

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ

Ижобий ўзгаришлар

Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (27.06.2017 йилдаги 429-сон) қабул қилинди. Янгиликлар пенсия тўғрисидаги айрим қонун ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш имконини берибгина қолмай, балки пенсияни расмийлаштириш учун зарур бўлган, ўз навбатида стажга кўра пенсия тўловлари ҳисобланишини кафолатловчи ҳужжатларни тўплашни ҳам анча осонлаштиради.

ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи

Зафаржон Хўжаев янгиликларга батафсил тушунтиришлар тайёрлади.



uz.uz suram.

Қуйидаги ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилмоқда:

■ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом (ВМнинг 19.02.2010 йилдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 30-сон Низом);

■ Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – 252-сон Низом);

■ Чет элда ишлаётган Ўзбекистон

Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – 46-сон Низом).

Ўзгартиришларни 2 гуруҳга ажра-

тиш мумкин: техник (1-жадвал) ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича (2-жадвал).

252-сон Низомнинг 36-бандига киритилган тузатишларни таҳлил қилиб кўрайлик.

Агар иш стажига қўшиб ҳисобланадиган даврлар рўйхатларига назар ташласак, 252-сон Низомнинг 35-банди «а»–«г» кичик бандлари (ҳодим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш) меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқлигини тушуниш мумкин. «д»–«и» кичик

бандлари (ногиронга, қарияга қараб туриш вақти, болани парваришлаш таътилида бўлиш, кундузги ўқиш, ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшagan вақт, дипломатик ваколатхоналар ходимларининг хотини (эри) чет элда бўлган давр) эса, меҳнат фаолияти ҳисобланмаса ҳам (Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланмайдиган), муайян шартлар билан умумий иш стажига қўшиб ҳисобланади.

2-бетда

ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

Хусусийлаштириб, Тошкентда рўйхатга турунг

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (22.06.2017 йилдаги 413-сон) қабул қилинди.

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун кучга киргунгача (15.09.2011 йилга қадар) берилган идоравий ҳужжат (ордер) асосида Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турар жой мақомини олган ётоқхоналарда доимий яшаб келаётган ҳамда бўлиш жойида ҳисобда турган шахсларга мазкур турар жойларни хусусийлаштириш ҳуқуқи берилди.

Хусусийлаштириш имконияти 2018 йил 1 июлгача тақдим этилади. Мазкур санага қадар ушбу квартираларни хусусийлаштиришга доир битимларни нотариал тасдиқлашга ҳамда Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида давлат рўйхатидан ўтказишга рухсат этилди.

Натижада Рўйхатнинг 1-бандига мувофиқ хусусийлаштирилган квартиралар мулкдорлари бундай йўл билан тегишинча Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида бундай турар жой майдонида доимий пропискadan ўтказилади.

Самир Латипов, «Norma Online» эксперти.

Паспорт олиш, прописка ва визани расмийлаштириш осонлашади

Президент томонидан 11.07.2017 йилда имзоланган ПҚ-3126-сон қарор Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари фаолиятига давлат хизматларини кўрсатишнинг ҳамда паспорт тизими масалалари бўйича фуқаролар қабулини тартибга солишнинг бевосита алоқа қилинмайдиган мулоқот шаклини таъминловчи электрон тизимни жорий қилишга қарор қилинди. Бунинг учун ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси таркибига Электрон ахборот тизимлари бошқармаси ташкил этилади.

2018 йил 1 майдан эътиборан амалга киритилadиган электрон тизим қуйидаги таомилларни соддалаштиради:

- биометрик ҳужжатларни бериш;
- хорижга чиқиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш;
- доимий ва вақтинчалик прописка олиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш;

➢ манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш.

Келгуси йил 1 февралга қадар хорижий, аввало мамлакатимиз фуқаролари сон жиҳатдан энг кўп бўладиган давлатлар ҳудудида Ўзбекистоннинг миграция соҳасидаги ваколатли органлари ваколатхоналарини очиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши лозим. Шунингдек хорижий давлатларда рўйхатдан ўтиш ва ишга жойлашишга рухсат олиш тартибини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам иш олиб борилади.

Бир ой муддатда чет эл паспортларини жорий этишнинг аниқ босқичлари, муддатлари, техник шартлари ва бунинг учун зарур бўлган молиявий харажатлари келишиб олинади.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

Мавзунинг давоми 13–14-бетларда

Ушбу сонда:

4-бет

Қўшимча мажбуриятлар учун қўшимча ҳақ тўланади

13–14-бетлар

Паспорт масалалари: ҳужжат ўғирланса; пропискadan ўтмоқчиман; болам қаернинг фуқароси

15-бет

Автомобилга «чиroyли» рақам олмоқчимисиз? Кимшошди савдосига боринг



Ижобий ўзгаришлар

Мазкур ўзгартиришлар билан жисмоний шахс танлаши мумкин бўлган даврлар, қайсиларини эса танлаб бўлмаслиги аниқлаштирилган (1-жадвал).

МИСОЛ. Бир вақтнинг ўзида меҳнат шартномасига кўра ишлайдиган ёки яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган олий ўқув юрти талабасига иш стажига қўшиб ҳисоблаш учун битта даврни танлаш ҳуқуқи берилар эди. Танлашнинг бундай нисбати амалиётда қўллаш чоғида бир қатор қийинчиликларни юзага келтирар эди. Энди олий ўқув юрти талабасининг иш стажига унинг ўзи танлаган фақат битта давр (меҳнат шартномасига кўра иш ёки яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш) қўшиб ҳисобланади.

МАЪЛУМОТ УЧУН! 252-сон Низомнинг 35-банди «а»–«г» кичик бандларида кўрсатилган даврлар:

- биринчидан, Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаб келинган меҳнат фаолияти даврлари ҳисобланади;
- иккинчидан, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи улар асосида белгиланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси);
- учинчидан, 252-сон Низомнинг 35-банди «д»–«и» кичик бандлари «а»–«г» кичик бандлари назарда тутилган камиди 7 йил иш стажига бўлганда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

1-жадвал

Илгари шундай эди	Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ
30-сон Низом; 252-сон Низом	
Ишламайдиган пенсионерларга пенсия яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими томонидан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг почта алоқаси объектлари, операторлари ва провайдерлари орқали ёки пенсионернинг хоҳишига кўра пул маблағларини фуқароларнинг депозит ҳисобрақамларига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан тижорат банкининг филиали орқали тўланар эди (30-сон Низомнинг 8-банди; 252-сон Низомнинг 157-банди)	2017 йил 1 июлдан бошлаб пенсия ва нафақалар Халқ банкининг таркибий бўлимлари томонидан етказиб берилмоқда (Президентнинг 13.03.2017 йилдаги ПҚ-2826-сон қарори). Тегишinchа, пенсия ва нафақани етказиб берувчи (берувчи) органни белгилаш қисмида низомларга тузатишлар киритилди
252-сон Низом	
Хорижда бўлган шахсларга меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатидаги ногиронлик пенсиясини тўловчи орган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати ҳисобланар эди (186–188, 191-бандлар)	Энди у Пенсия жамғармаси бўлими ҳисобланади
Низомнинг 35-банди «а»–«и» кичик бандларида кўрсатилган даврлар бир вақтнинг ўзида бир даврга тўғри келса, бир даврни танлаш назарда тутилган эди (36-банд)	Эндиликда, бундан ташқари, фуқаро Низомнинг 35-банди «д»–«и» кичик бандларида назарда тутилган даврлар бир вақтнинг ўзида бир даврга тўғри келса, улардан фақат биттасини танлаш ҳуқуқи ҳам эга. Яъни иккита рўйхатдаги («а»–«г» ва «д»–«и») даврлар ўртасида танлашга эндиликда алоҳида қаралади. Агар «а»–«г» ва «д»–«и» кичик бандларида кўрсатилган даврлар бир вақтнинг ўзида бир даврга тўғри келса, у ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига «а»–«г» кичик бандларида кўрсатилган даврлардан бири қўшиб ҳисобланади
Пенсионер томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсиянинг ҳисобланган суммаси ўтган вақт учун ЎзР Президентининг фармонларига мувофиқ пенсиялар миқдорлари оширилиши ҳисобга олинган ҳолда бир йўла тўланади, бироқ пенсия олиш учун мурожаат қилишдан олдинги 12 ойдан ортиқ вақт учун эмас. Пенсия жамғармаси бўлимининг айби билан ўз вақтида олинмаган пенсия суммаси ўтган вақт учун Президентнинг фармонларига мувофиқ пенсиялар миқдорлари оширилиши ҳисобга олинган ҳолда, муддат чекланмасдан бир йўла тўланади (169-банд)	Киритилган қўшимчада назарда тутилишича, ўтган давр учун тўловлар бир йўла тегишли ойлار учун ҳисоблаб чиқариб қўйилган ва олинмаган пенсиянинг суммаларига мос миқдорда тўланади

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 25 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарни сўмга нисбатан қўйиш қиймати белгилади.*

1 Австралия доллари3222,93	1 Малайзия ринггити950,47
1 Англия фунт стерлинги5296,79	1 Польша злотийси1113,50
1 Дания кронаси639,07	1 СДР5705,99
1 БАА дирҳами1108,49	1 Туркия лираси1154,23
1 АҚШ доллари4070,38	1 Швейцария франки4303,64
1 Миср фунти228,42	1 ЕВРО4697,67
1 Исландия кронаси38,91	10 Жанубий Корея вонини36,48
1 Канада доллари3245,92	1 Япония иенаси367,00
1 Хитой юани602,17	1 Россия рубли69,07
	1 Украина гривнаси157,22

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	24.07.2017	1	1,7012	1	1,9856	1	0,0286
Арманистон	21.07.2017	1	478,82	1	557,59	1	8,14
Беларусь	24.07.2017	1	1,9351	1	2,2534	100	3,2849
Грузия	24.07.2017	1	2,3983	1	2,7923	100	4,0713
Қозоғистон	24.07.2017	1	324,98	1	378,34	1	5,53
Қирғизистон	25.07.2017	1	68,3049	1	79,5889	1	1,1450
Молдова	24.07.2017	1	18,1223	1	21,1007	1	0,3075
Россия	25.07.2017	1	59,6572	1	69,4708	—	—
Тожикистон	24.07.2017	1	8,8130	1	10,2627	1	0,1473
Туркменистон	24.07.2017	1	3,5000	1	4,0803	100	5,9012
Украина	24.07.2017	100	2 588,9731	100	3 014,0825	10	4,3931

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ

– Ижобий ўзгаришлар

1-3-бетлар

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

- Ҳусусийлаштириб, Тошкентда рўйхатга туриш
- Паспорт олиш, прописка ва визани расмийлаштириш оsonлашди
- Паспорт ўйирланганда
- Тартибни бузатишлар
- Умумий асосларда
- Хавотирланишигиз ўринсиз
- Бировнинг вазифаси
- Ўзбекистонда турмуш қурасиз
- Қандай фуқаролик берилди
- Манзилли маълумотнома асосида

1, 13-14-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Меҳнат стажини электрон ҳисобга олишга
- 2 босқинда ўтилади

– Биринчи таътил

– Бир неча касбда ишлаганлик учун ҳақ тўлаш шарт

4-бет

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:

- «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
- Идораий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:
- ЎзР ИВ, МВ, ТСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божини қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР МВ, ДСҚнинг «Бозорлар ва савдо

комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йигимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 17 июндан 7 июлгача бўлган маълумот 5-8-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

- Давлат инспектори тўловни қабул қилиш мақсадида терминнал билан келади
- Газни ҳисобга олиш приборлари 48 ойда 1 марта текширилади
- Форс-мажор қачон юзага келади
- Россияликларни ҳисоблагичларни текширишдан озод қилмоқчилар
- Пломба носозлиги учун қим жавоб беради?
- Жониворлар учун эгаси масъул

– Жамғармаларнинг бир қисmini беришлари лозим

- Бадал ўрнига қурилиш материаллари
- Коммунал хизматлар нархлари ўзгарди

9-12-бетлар

• 2017 ЙИЛ – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНОФААТЛАРИ ЙИЛИ

– Хорижда ҳам сизга ёрдам берадилар

13-бет

• АВТОНОРМА

- Автомобиль учун давлат рақами – алоҳида тўлов эвазига
- Автомобиль рақами белгисини қандай тиклаш мумкин
- Автомобиль эгалари эътиборига
- Ҳайдовчилик гувоҳномаси шахсни тасдиқловчи ҳужжатга тенглаштирилди

15-16-бетлар

• ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

- Болаларни қандай ташиш керак

16-бет

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Фуқароларнинг муурожаатлари, шу жумладан ЎзР Президентининг виртуал Қабулхонасига муурожаатларини ўрганиш асосида, қонун ҳужжатларидаги кам-чиликларни бартараф этиш ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимояланишини

таъминлаш мақсадида 85, 87, 149, 160, 163, 168, 171, 172 ва 175-бандларга ўзгартиришлар, шунингдек янги бандлар (113-1 ва 168-1) билан қўшимчалар киритилди.

2-жадвал

Илгари шундай эди	Кирилган ўзгартиришларга мувофиқ
252-сон Низом	
ДСҚ маълумотлар базасидаги жамғариб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлар ҳам пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун зарур иш ҳақини аниқлашда асос бўлиб хизмат қила олмас эди, сабаби иш ҳақи ҳисобланган иш ҳақи суммасидан олинади, уни гувоҳлар кўрсатмаси асосида аниқлашга эса йўл қўйилмайти. Иш ҳақини тасдиқлаш учун лавозим маоши тўғрисидаги штат жадвалидан кўчирмалар ва жамоат ташкилотларининг аъзолик билетларидан ҳам фойдаланилмайди. Бу пенсияларнинг пасайишига ва аҳолининг бундай ҳисоб-китобга рози бўлмаслигига олиб келар эди (85-банд)	Кўшимчада назарда тутилишича, агар архив маълумотлари мавжуд бўлмаса, иш ҳақи миқдори 2005 йилдан кейинги давр учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиқиб аниқланади.
Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, бироқ муайян шартлар билан иш стажига қўшиб ҳисобланадиган иш ҳақини аниқлаш учун меҳнат фаолиятининг охириги 10 йиллик даврига киритилмаган даврлар белгиланган эди (Низомнинг 35-банди «д»–«и» кичик бандлари).	2015 йилдан кейин – фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган сугурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан келиб чиқиб аниқланади
Иш ҳақи тўғрисида маълумотнома тақдим этмаганлик муносабати билан иш стажига киритилмаган даврлар, шунингдек иш ҳақи сақланмайдиган таътиллarda бўлиш даврлари меҳнат фаолиятининг охириги 10 йиллик давридаги иш ҳақи ҳисоб-китобидан чиқариб ташланмайди .	Ижтимоий адолат ва тенг шароитларни таъминлаш мақсадида киритилган қўшимчалар пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақини иш стажига қўшиб ҳисобланган меҳнат фаолиятининг охириги 10 йиллик давридан келиб чиқиб аниқлаш имконини беради.
Одатда ушбу норма мажбурий тартибда сугурта бадалларини тўловчиларга ҳам, уларни ихтиёрий равишда тўловчиларга ҳам тегишли эди. Натижада Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда сугурта бадаллари тўланмаганлиги муносабати билан иш стажига қўшиб ҳисобланмаган даврлар пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақини аниқлашда меҳнат фаолиятининг охириги 10 йиллик давридан чиқариб ташланмас эди. Пенсиялар эса энг кам иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилар, бу унинг миқдори камайишига олиб келар эди (87-банд)	МИСОЛ. <i>Киши 2005–2015 йилларда РФда ишлаган (сугурта бадаллари тўланмаган). Бу давр меҳнат фаолиятидан чиқариб ташланади. Унга пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ўтган 10 йилдаги, масалан, 1995–2005 йиллардаги иш ҳақи қабул қилинади. Унга пенсия ушбу даврдаги 1 ЭКИХ ҳисобидан эмас, балки ҳақиқий иш ҳақидан (сугурта бадаллари тўланган) ҳисоблаб чиқарилади</i>
Қуйидаги шахсларга пенсияга устама ҳақлар назарда тутилган: > Ўзбекистон Республикаси олдига алоҳида хизматларга эга бўлган шахсларга. Бироқ қонун ҳужжатлари билан бундай шахслар доираси белгиланмаган эди (112-банднинг «и» кичик банди; 113-банд); > театр-концерт ташкилотларида ёки таълим муассасаларида ишлаган имтиёзги пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганларга; > 20.10.1995 йилдаги ПФ-1280-сон Фармоннинг амал қилиши татбиқ этиладиган театр ва мусиқа санъатининг ижодий ходимларини тайёрлаш билан банд бўлганларга (112-банднинг «к»–«л» кичик бандлари; 113-банд) I гуруҳ ногиронлари учун ЭКИХнинг 75 ва 100%и миқдорида пенсияга устама ҳақлар назарда тутилган. Бироқ пенсияонер I гуруҳ ногиронлиги белгиланганлиги муносабати билан пенсияни қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза билан муурожаат қилмагунча, у ҳисоблаб ёзилмас эди (149-банд)	Пенсияга ЭКИХнинг 100%и миқдоридаги устамаларни « Ўзбекистон Қахрамони » унвонига сазовор бўлган ва олий нишон – « Олтин Юлдуз » медали билан тақдирланганлар олишга ҳақли эканликлари аниқлаштирилди (113-1-банд). Энди устамалар (ЭКИХнинг 50, 75%и) пенсияонер тегишли муассасалардан ишдан бўшагандан сўнг пенсияни қайта ҳисоблаш учун муурожаат этган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб белгиланади Энди I гуруҳ ногирони пенсияни қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза билан муурожаат этиши талаб қилинмайди
Пенсия олишга ишончнома берган пенсияонер фақат пенсия тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига албатта келиб, ҳар йили унга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак эди (160-банд) . Бироқ муайян вазиятлар туфайли пенсияонерлар доим ҳам бундай имкониятга эга бўлмайдилар	Агар пенсияонерларнинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига келиш имконияти бўлмаса (соғлиги туфайли даволаш муассасаларида, шу жумладан руҳий касаллар учун стационар даволашида бўлсалар), уларга Пенсия жамғармасининг исталган бўлимига бориш (ёки Пенсия жамғармаси бўлимлари ходимларига пенсияонер турган жойга чиқиш) ёки чет элдаги дипломатик ваколатхонага муурожаат қилиш (пенсияонер хорижий давлатда бўлганда) имкони берилади
Сабабидан қатъи назар , 2011 йил 1 январдан кейин ногирон бўлиб қолган III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси тўланмас эди (163-банд)	Чернобиль ҳалокати оқибатида III гуруҳ ногиронлигини олган шахсларга пенсия тўланиши назарда тутилди
Ўқувчилар уларга боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тўлаш муддатини узайтириш учун 18 ёшга тўлгунга қадар ўқиш жойидан маълумотнома тақдим этишлари шарт эди	Боқувчисини йўқотганлик пенсияси 18 ёшга тўлгунга қадар бетўхтов тўланади, Пенсия жамғармаси бўлимлари эса ҳар йили таълим муассасасига ташриф буюрган ҳолда таълим олинаётганлиги ҳолатини белгिलाш юзасидан мониторингни амалга оширади (168-1-банд)
Пенсияни тўлаш тўхтатиладиган (пенсияонер вафот этиши; тайинланган пенсияга ҳуқуқларни йўқотиши; доимий яшаш учун Ўзбекистон ташқарисига чиқиб кетиши) ҳамда тўхтатиб туриладиган (пенсия тўлаш муддати тамом бўлиши; кетма-кет 3 ойдан ортиқ вақт мобайнида пенсия олмаслик; пенсияонернинг озодлиқдан маҳрум этилиши; руҳий беморлар интернат уйларида яшаши; пенсияни тўлашни тўхтатиб туриш тўғрисида пенсияонер томонидан ариза берилиши) ҳолатлар белгиланган (171, 172-бандлар)	171, 172-бандлар хорижий давлатда бўлган даврда пенсия (ижтимоий нафақа) олганлик ҳолати аниқланганда ҳам пенсияни тўлаш тўхтатилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди. Суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ўташдан бўйин товлаётган шахсларни қидиришга эълон берилганда, бедарак йўқолганда; ишончнома берган шахс унга тайинланган пенсияга ҳуқуқини тасдиқлаш учун белгиланган муддатда келмаганда пенсияни тўлаш тўхтатиб турилади . Бундан ташқари, пенсияонернинг ҳаракатланиш имкони бўлмаганда ПЖ бўлими ходимлари у турган жойга чиқадилар, у хорижда бўлган ҳоллар бундан мустасно
Пенсияонернинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия фақат вафот этган пенсияонернинг яшаш бўйича пропоскага эга бўлган оила аъзоларига тўланар эди. Амалиётда бундай вазият вафот этган пенсияонерга ҳақиқатан ҳам қараган, бироқ унинг яшаш жойи бўйича пропоскадан ўтмаган оила аъзоларининг кўплаб эътироз ва норозиликларига сабабчи бўлар эди (175-банд)	Энди оила аъзоларининг пенсияонер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турганлиги ҳолати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган маълумотлар асосида белгиланади. Вафот этган пенсияонернинг яшаш жойи бўйича пропоска бундан буён талаб қилинмайди
46-сон Низом	
Шу жумладан қуйидаги жисмоний шахслар Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлаш ҳуқуқига эга эдилар: > Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ёки фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича ҳўжалик ҳисобидига минтақавий Бюролардан рухсатнома олган чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахслар (2-банднинг 2-хатбошиси); > шахсий ёрдамчи ҳўжаликларда қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахслар (3-банднинг 4-хатбошиси)	Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлайдиган шахслар доираси кенгайтирилди. Энди уларга қуйидагилар ҳам қиради: > меҳнат шартномаси асосида , Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ёки фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий Бюролардан чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома олмасдан чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахслар; > шахсий ёрдамчи ҳўжаликларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан банд бўлган шахслар

МАЪЛУМОТ УЧУН!

ЧЕТ ЭЛДА ёлланган ҳолда **ИШЛОВЧИ ШАХСЛАР** Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини қонун ҳужжатларида белгиланган сугурта бадалларини тўлаш санасида ойига камида **1 ЭКИХ** миқдорида тўлайдилар.

Шахсий ёрдамчи ҳўжаликларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан **БАНД БЎЛГАН ШАХСЛАР** Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини йилига камида **4,5 ЭКИХ** миқдорида тўлайдилар.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

Меҳнат стажини электрон ҳисобга олишга 2 босқичда ўтилади

Вазирлар Маҳкамасининг 4.07.2017 йилдаги 462-сон қарори билан Жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини электрон ҳисобга олишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, республикада 2019 йил 1 январдан биринчи марта ишга жойлашаётган ходимларга қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари берилиши тўхтатилган ҳолда «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизими жорий қилинади.

Жисмоний шахсларнинг меҳнат стажларини электрон ҳисобга олишга босқичма-босқич ўтилади:

➤ якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ҳўжалиқлари аъзолари, қорамол ўстириш ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган шахслар ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бошқа субъектлар — **2018 йил 1 январдан бошлаб**;

➤ қолган ташкилотлар — **2019 йил 1 январдан бошлаб**.

Меҳнат стаж (шу жумладан лавозим мавқеи, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даврлари, меҳнат таътилидаги ва узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган даврлар) ҳақидаги маълумотлар ҳар бир жисмоний шахс бўйича иш берувчилар томонидан солиқ органларига тақдим этилади.

Ушбу маълумотлар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ЯИТ ва сугурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи таркибига киритилади. Маълумотларни кафолатли сақлаш мақсадида меҳнат стаж тўғрисидаги архивга оид маълумотларни резерв сақлаш механизми ишлаб чиқилади.

2019 йилдан бошлаб, фуқаролар меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотларни ЯИДХП давлат интерактив хизмати орқали олишлари мумкин бўлади.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Ходимга биринчи йили 6 ой узлуксиз ишлаганига қадар йиллик ҳақ тўланадиган таътил бериш мумкинми?

КБ инспектори.

Биринчи таътил

— Ҳа, бунга йўл қўйилади.

Ходим мазкур иш берувчида 6 ой узлуксиз ишлаганидан кейин унда йиллик ҳақ тўланадиган таътилдан биринчи иш йили учун фойдаланиш ҳуқуқи юзага келади.

Таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича 6 ой ўтмасдан олдин берилади:

- аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътили олди-дан ёки ундан кейин;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- 18 ёшга тўлмаган шахсларга;
- муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;
- ўриндошлик асосида ишлайётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиллари имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

➤ технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-банди).

Мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёғи таътил даврида тўлиқ берилади (МКнинг 143-моддаси).

Шу тариқа, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ишлаганига 6 ой ўтмасдан таътил бериш таъқиқланмаган. Бинобарин, ходим билан шартнома тузган иш берувчи унинг илтимосига кўра, ҳатто у 6 ой ишламаган бўлса ҳам, йиллик ҳақ тўланадиган таътил беришга ҳақли.

Амалиётда ходим 6 ойлик муддат ўтмасдан унга таътил беришларини сўраб ариза тақдим этиши мумкин. Бунда иш берувчи рози бўлишга ёки рози бўлмасликка ҳақли. Рад этган тақдирда таътил бериш тўғрисида бўй-руқ расмийлаштирилмайди. Бироқ рад этганлик далили, масалан, раҳбар имзоси қўйилган аризасининг нусхасини берган ҳолда ходимнинг эътиборига етказилиши шарт.

Абдусалом Рискўллаев,
«Norma Online» эксперти.

Бир неча касбда ишлаганлик учун ҳақ тўлаш шарт

Компания (ЯСТ тўловчи) ходимлари штати катта эмас. Маъмуриятда: директор, кадрлар бўйича ходим ва бош бухгалтер. Директор бандлиги сабабли нақд пул: иш ҳақининг бир қисми ва хизмат сафари харажатларини олиш учун банкка бора олмайди, бош бухгалтер эса банкда иш ҳақи олишга ҳақли эмас.

Қўшимча ҳақ белгиланмаган ҳолда кассир вазифасини бўйруқ билан кадрлар бўйича ходим зиммасига юклаш мумкинми?

А.Толмачёва.

— Кассир вазифасини қўшимча ҳақ билан ва имкон қадар ўша тоифадаги ходим (техник персонал) зиммасига юклаш зарур.

Бир неча касбда ва лавозимда ишлашга вақтинча бўлмаган ходимнинг ишини бажаришда ёки бўш лавозимдаги ишни бажаришда йўл қўйилади. Бинобарин, корхонада бир неча лавозимда ишлаганлик штат жадвалида назарда тутилиши шарт. Бунда бир неча касбда ва лавозимда ишлашга, қандайдиган кўра, жумласига ушбу ходим кирадиган ходимларнинг ана шу тоифаси доирасида рўхсат этилади (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-банди 2-хатбошиси, 20-банди 3-хатбошиси, 21-банди). Бироқ сизнинг ҳолатда бошқа техник ходим йўқлиги сабабли кассир вазифасини кадр-

лар бўйича ходим зиммасига юклаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Бир неча касбда ва лавозимда ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўланади, унинг миқдори, агар ходимларнинг вакиллик органи билан келишган ҳолда тасдиқланган корхонанинг локал ҳужжатида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, иш берувчи билан келишув бўйича белгиланади (МКнинг 160-моддаси; Низомнинг 24-банди).

Низом мулкчиликнинг барча шаклидаги ташкилотлар учун мажбурий. Шу тариқа, бир неча касбда ва лавозимда ишлаганлик учун ҳақ тўланиши шарт деган ҳулоса мантиққа тўғри келади.

Лайло Ашурова,
«Norma Online» эксперти.

Хатоларни тузатиш лозим

Меҳнат дафтарчасида ишга қабул қилганлик тўғрисидаги ёзув хато равишда «Тақдирланганлиги тўғрисидаги маълумотлар» саҳифасига қайд этилган. Меҳнат дафтарчаси 1982 йилда берилган ва ўзбек тилида тўлдирилган.

Меҳнат дафтарчасининг тақдирлашлар ҳақидаги бўлимига хато равишда киритилган ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзувни бекор қилиш зарурми?

И.Енгаличева.

— Меҳнат дафтарчасида ишга қабул қилганлик тўғрисидаги ёзув «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида қайд этилади. 1996 йил 1 апрелгача юритилган меҳнат дафтарчалари бланкалари рус ва ўзбек тилидаги «Иши тўғрисидаги маълумотлар» 2 та бўлимига эга, улар ўртасида эса «Тақдирланганлиги тўғрисидаги маълумотлар» бўлими жойлашган.

Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ушбу бўлимининг тўлдирилиши назарда тутилмаган, сабаби меҳнат дафтарчаларининг замонавий бланкаларида у мавжуд эмас. Шу муносабат билан «Тақдирланганлиги тўғрисидаги маълумотлар» бўлими тўлдирилмайди. У жойлашувига кўра «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлими устунларига ўхшаш 4-устунни ўз ичига олган. Шу сабабли қў-пинча амалиётда иши тўғрисидаги маълумотларни «Тақдирланганлиги тўғрисидаги маълумотлар» бўлимига киритишда давом этиш сингари хатолар учраб туради. Меҳнат дафтарчаларини юритиш учун масъул шахслар «тақдирланганлиги» сўзининг устидан чизиб, теласига «иши» сўзини қайд этган

ҳолда ушбу бўлимига ходимнинг иши тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ишга ўтказилиши тўғрисидаги маълумотларни киритиб, меҳнат шартномалари бекор қилинганда уларни ташкилот муҳрлари билан тасдиқлашда давом этадилар.

Агар бошқа ташкилотлар иши тўғрисидаги маълумотларни мазкур бўлимга кирита бошлаган бўлсалар, сиз эса ушбу ёзувларни ҳақиқий эмас деб тан олиш имконига эга бўлмаган ҳолда келгуси ёзувларни киритишда давом этсангиз, «Тақдирланганлиги тўғрисидаги маълумотлар» бўлимидаги ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзув сизнинг хатоингиз деб ҳисобланмайди деб ўйлаймиз.

Агар хатога сиз йўл қўйган, яъни «Тақдирланганлиги тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида ушбу ёзувни биринчи бўлиб қайд этган бўлсангиз, уни ҳақиқий эмас деб тан олишни тавсия этамиз. Бунда ёзув 42-саҳифадаги «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимига ўтказилганлигини кўрсатинг. Сўнгра тартиб рақамини сақлаб қолган ҳолда уни ўзбек тилидаги «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимига ўтказинг.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ:

– «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

– ЎзР ИВ, МВ, ТСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгариштирилган ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ўндириб олиннадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИНГ ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 17 ИЮН-ДАН 7 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

АҲОЛИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 24.07.2017 йилдаги 29 (789)-сон, 688-модда)

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва арзон нархларда дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш мақсадида нархлар шаклланишини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика саноатини қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хусусан, улгуржи ва чакана савдо учун чекланган савдо устамалари белгиланди, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган нархларда сотиш тизими жорий этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини оширилган нархларда сотиш ҳолатларини профилактика қилиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида товар чекларини бериш талаби киритилди.

Фармацевтика тармоғида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди, фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳолига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар мавжуд, жумладан:

Биринчидан, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш муддатларини сунъий кенйтириш ҳамда ички бозорда тақчилликнинг юзага келишига олиб келувчи импорт қилишдаги ортиқча тартиб-таомиллар;

Иккинчидан, валюта ресурсларидан оқилона фойдаланиш, импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш мувозанатини таъминлаш учун дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари бўлган ҳўтиёжларни белгилашнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги;

учинчидан, четдан олиб келинаётган ва республикада ишлаб чиқарилаётган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига чекланган нархларни белгилаш тартибининг мукамал эмаслиги;

тўртинчидан, маҳаллий хом ашё ресурсларидан етарли даражада фойдаланилмаслиги сабабли мамлакатимиз фармацевтика корхоналарининг четдан харид қилинадиган хом ашё ва материалларга юқори даражада қарамлиги;

бешинчидан, дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар ишидаги камчиликлар, шу жумладан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи тузилмаларнинг мавжуд эмаслиги.

Юқорида кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш, сунъий тақчиллик ва нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2017 йил 1 августдан бошлаб Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш истисно тариқасида «Ўзмедэкспорт» республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси (кейинги ўринларда «Ўзмедэкспорт» РТИДҚ деб юритилади) томонидан Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси тасдиқлайдиган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича тендер савдолари ўтказилмасдан амалга оширилади;

2017 йил 1 июлгача тузилган импорт контрактлари бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш ва сотиш уларни тузиш санасида амалда бўлган шартлар ва белгиланган нархларда амалга оширилади;

*Ушбу қарор ва унга Шарҳ «Халқ сўзи» газетасининг 18.07.2017 йилдаги 140 (6834)-сонида эълон қилинган.

тиббӣёт маҳсулотларини сертификатлаштириш фақатгина «Ўзстандарт» агентлигида ўрнатилган тартибда аккредитация қилинган давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади.

«Ўзмедэкспорт» РТИДК Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббӣёт буюмларининг рўйхатида киритилган дори воситалари ва тиббӣёт буюмларини 2017 йил иккинчи ярим йиллигида уларга бўладиган қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб ётказиб берилишини таъминласин.

«Ўзмедэкспорт» РТИДКга дори воситалари ва тиббӣёт буюмларини ётказиб бериш бўйича агентларни шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта мuddатда «Ўзмедэкспорт» РТИДКнинг омор ва музлатиш хоналари, шунингдек логистика тармоқларини ташкил этиш бўйича таклиф киритсин.

2. Белгилансинки, дорихоналар 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббӣёт буюмларини чакана сотишни амалга ошириш лицензияларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидан қайта расмийлаштиришлари шарт.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари бошқарув ходимларининг чекланган сонини 30 тага оширган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларида 2 нафар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасида 4 нафар штат бирлигидан иборат дори воситалари ва тиббӣёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбалари ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири (А.Шадманов) икки ҳафта мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг тузилмаларига ўзгартишлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзфармасаноат» ДАК билан биргаликда бир ой мuddатда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббӣёт буюмларининг рўйхатини танқидий қайта қўриб чиқиб, натижаси бўйича шифокорнинг қатъий рецептига асосан сотиладиган дори воситаларини рўйхатга киритиш орқали уни келгусида заруратга қўра аниғлашни инобатга олган ҳолда мақбуллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда касалланиш, беморлар сони, даволаниш курслари ва бошқа мезонларни инобатга олган ҳолда дори воситалари ва тиббӣёт буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлашнинг самарали методологияси, шунингдек манфаатдор вазирлик ва идоралар, фармацевтика корхоналари ва улгуржи ташкилотларга эҳтиёж ҳақидаги маълумотларни ётказишни назарда tutуви Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббӣёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Тиббӣёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббӣёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси бир ой мuddатда белгиланган нархни шакллантириш жараёнига курс фарқлари ўзгаришининг таъсирини камайтиришни назарда tutган ҳолда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббӣёт

буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари савдо номлари ва тиббӣёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларини ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мутахассисларни жалб этган ҳолда бир ой мuddатда «Ўзфармасаноат» ДАК ва унинг тизимига кирувчи корхоналарнинг фаолиятини, шу жумладан ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббӣёт буюмлари нархлари шаклланишини, шунингдек корхоналарни ишлаб чиқарувчи деб тан олиш учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш даражасини танқидий ўрганиб чиқсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ҳафта мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг дори воситалари ва тиббӣёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбалари штат жадвалини тасдиқласин ҳамда олий фармацевтика маълумотига ва фармацевтика соҳасида камида уч йиллик меҳнат стажига эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» АҚ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда бир ой мuddатда дорихоналар ва уларнинг филиалларини товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббӣёт буюмларини чакана сотиш фаолиятини лицензиялаш бўйича янгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда дорихоналарнинг амалдаги лицензиялари қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой мuddатда қатъий ҳисоби юритиладиган бланк ҳисобланадиган, товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббӣёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қонун ҳужжатлари бузилиши, шу жумладан дори воситалари ва тиббӣёт буюмларининг нархини шакллантириш тартиби қўпо бузилганлиги оқибатида лицензияси тугатилган дорихоналар манзиллари ва қонунбузишларга бевосита алоқадор ходимлар (прови́зорлар, фармацевтлар)нинг барча учун очиқ бўлган ягона реестрини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Дори воситалари ва тиббӣёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳар ойда дорихоналарнинг ягона манзиллар реестри ва ходимлар (прови́зорлар, фармацевтлар)нинг реестрига киритиш учун маълумотларни тақдим этиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда:

ижтимоӣ аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида узининг ижтимоӣ дорихона тармоқларини ташкил этиш;

фуқаролар томонидан дори воситалари назоратсиз қўлланилишининг, шу жумладан дори воситаларини фақатгина шифокорлар рецепти асосида сотиш тўғрисидаги талабларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш орқали олдини олиш, Рецетпсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатиға киритилган дори воситалари бундан мустанос;

шифокор рецепти бўйича бериладиган ижтимоӣ аҳамиятга эга дори воситаларининг сотилишини мониторинг қилишни таъминловчи ахборот тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси (А.Н.Юнусходжаев) ижтимоӣ аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини ва республиканинг даволаш-профилактика муассасаларини улар билан таъминлаш аҳолинини мониторинг қилиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этсин.

Ишчи гуруҳи мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, шу жумладан ижтимоӣ аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган нархларга риоя қилишининг аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарорнинг иқросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 июль,
ПҚ-3137-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига ШАРҲ

Фуқароларни арзон нархларда зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоӣ ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолини арзон дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, шунингдек уларнинг нархларини сунъий ошириб юбориш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан улгуржи савдо учун – сотиб олинган қийматнинг 15 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда, чакана савдода эса – улгуржи нархнинг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чекланган савдо устамалари белгиланади.

Хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ижтимоӣ аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотишнинг тизими жорий этилди.

Фармацевтика саноатини ривожлантириш мақсадида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва боғжона имтиёзлари берилди.

Шу билан бира, аҳолини зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳолига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар кузатилмоқда, жумладан:

амалдаги ижтимоӣ аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини импорт қилишдаги ортиқча тартиб-таомиллар уларни етказиб бериш муддатларининг сунъий кечиктирилиши ва ички бозордаги тақчиллиги юзга келишига олиб келмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни белгилаш бўйича аниқ механизмларнинг мавжуд эмаслиги импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш мувозанатини таъминлаш ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан фармацевтика

маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг прогноз қилиш имконини бермапти;

импорт қилинаётган ва республикада ишлаб чиқарилаётган ижтимоӣ аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига чекланган нархларни белгилаш тартибининг мукамал эмаслиги кузатилмоқда;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг етарли даражада маҳаллийлаштирилмаганлиги маҳаллий фармацевтика корхоналарининг импорт хом ашёси ва материалларига юқори даражада қарамлигини юзга келтирмоқда, оқибатда дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархлари кескин ошмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссияларнинг фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган, бу лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу қарорда аҳолини ижтимоӣ аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг тақчиллиги вужудга келишига йўл қўймаслика қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Жумладан, ушбу қарорга мувофиқ, 2017 йил 1 августдан бошлаб ижтимоӣ аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш фақатгина «Ўзмедэкспорт» республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Ушбу корхонага ижтимоӣ аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини жорий йилнинг иккинчи ярмида қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб етказиб берилишини таъминлаш топширилди.

Бундан ташқари, тиббиёт маҳсулотларини сертификатлаш сифатини янада ошириш мақсадида ушбу фаолиятнинг фа-

катгина давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича янгидан жорий этилган талабларга асосан уларнинг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бўйича амалдаги лицензиялари 2018 йил 1 январга қадар қайта расмийлаштирилиши шартлиги белгиланди. Бунда қайта расмийлаштириш янги лицензияловчи орган — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу мақсадларда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмасида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шуъбалари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини қайта кўриб чиқиш, натижаси бўйича уни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситаларининг савдо номлари ва тиббиёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларни ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклиф киритиш;

дорихоналар ва уларнинг филиалларини товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, шунингдек товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқлаш вазифалари юклатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихона тармоқлари ташкил этилиб, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш уларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Умуман олганда, қабул қилинган қарор фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, аҳолини арзон нархларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА ИМПОРТ БОЖХОНА БОЖИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚЎЙМАТ СОЛИГИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР РЎЙХАТИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-6

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 10.07.2017 йилдаги 27 (787)-сон, 634-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013

йил 15 февралдаги 21, 16, 3-02, 01-02/8-44-сон қарори (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси худудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қўйМАТ солигидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Иқтисодиёт вазири
Г.ХОДИДОВА.
138-сон

Ташқи савдо вазири
Э.ҒАНИЕВ.
2017/04-11-сон

Молия вазири
Б.ХОДЖАЕВ.
86-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси
М.ТОХИРИЙ.
01-02/8-28-сон

Тошкент ш., 2017 йил 29 июнь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА ИМПОРТ БОЖХОНА БОЖИ
ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР
РЎЙХАТИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

1. 27-позиция қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«	8429 (қуввати 200 от кучидан кам бўлган бошқа гусеничали бульдозерлар – 8429 11 009 0; ковшининг ҳажми 5 метр кубдан кам бўлган бошқа фронтал бир ковшли юк ортувчилар – 8429 51 990 0, ковши ҳажми 2 метр кубдан кам бўлган бошқа гусеничали экскаваторлар – 8429 52 100 9, ковши ҳажми 5 метр кубдан кам бўлган бошқа тўлиқ айланма машиналар – 8429 52 900 0 дан ташқари)	Бурилмайдиган ва буриладиган ағдаргичли бульдозерлар, грейдерлар, режалаштирувчи ўзюрар йўл катоклари	».
---	--	---	----

2. 82-позиция қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«	8704 10 102 0***, 8704 21 100 0, 8704 23 910 1, 8704 23 910 2, 8704 31 100 0 82. Евро 3 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган 8705 (юк кўтариш қобилияти 25 тн гача бўлган автокранлардан ташқари ТИФ ТН коди 8705 10 009 0) Евро 3 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган	Юк ташиш ва махсус мақсадларга мўлжалланган моторли транспорт воситалари	».
---	---	---	----

3. Қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«*** Экологик класс стандартлари қўлланилмайди.»

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

**«БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН
УНДИРИБ ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИГИМЛАР,
ИЖАРА ТЎЛОВИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ
МИНИМАЛ МИҚДОРЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРНИ
ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2854-1**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 17.07.2017 йилдаги 28 (788)-сон, 669-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 13 январдаги 2, 2017-02-сон «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара

тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2854, 2017 йил 20 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 48-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўчга қиради.

**Молия вазири
Б.ХОДЖАЕВ.
94-сон**

**Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2017-34-сон**

Тошкент ш., 2017 йил 4 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА
ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2017 ЙИЛ 17 ИЮНДАН 7 ИЮЛГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 майдаги 01/27-26/04-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (14-сон МБМС) «Товар-моддий захиралар қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2890.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 29 майдаги 54, 2017-23-сон «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақидаги низоми тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2088-1.

3. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 6 июндаги 2-сон «Нazorат қилувчи органлар томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2878-1.

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 6 июндаги 2-сон «Нazorат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тadbиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2879-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2017 йил 6 июндаги 3-сон «Қўчмас мулк объектларига кадастр йиғмаҳилдини тайёрлаш қондаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2725-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 10 июндаги 12/1-сон «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 17 июндаги 13/1-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига таъминотсиз кредитларни бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2891.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 20 июндаги 144-мҳ-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-8.

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 1 июндаги 61-сон «Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (12-сон АФМС) «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1673-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 5 июндаги 69, 2017-24-сон «Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадлари бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солигининг ортиқча тўланган суммасини қайтариш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2892.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 19 июндаги 81, 2017-30-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомига 18-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-2.

12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 19 июндаги 82-сон «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2343-2.

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 22 июндаги 149-мҳ-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатлари амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-14.

14. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 22 июндаги 150-мҳ-сон «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шаклларида ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2054-2.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/3-сон «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил

31 майдаги 239/4-сон «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/5-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-2.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/6-сон «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2764-1.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/7-сон «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443-2.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/8-сон «Докторлик диссертацияси ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2665-1.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/9-сон «Докторлик диссертациялари илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2666-1.

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 3 июндаги 01-02/15-22-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-1.

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 15 июндаги 137, 84, 2017-31-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тadbirkorлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомининг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2499-1.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 19 июндаги 5, 16-ққ, 89-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-2.

25. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2017 йил 20 июндаги 83-сон «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия

ҳисобининг миллий стандарти (24-сон БҲМС) «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисобини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1996-1.

26. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 майдаги 01/27-26/05-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (15-сон МБМС) «Машина ва ускуналар қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2895.

27. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 1 июндаги 87-сон «Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланганига объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнгини қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-1.

28. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2017 йил 29 июндаги 164-мх-сон «Тошкент давлат юридик университети бакалавриятга хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2896.

29. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2017 йил 29 июндаги 165-мх-сон «Тошкент давлат юридик университети бакалавриятга хорижий фуқароларни қабул қилиш тўғрисидаги ариза шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2897.

30. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2017 йил 27 июндаги 87-сон «Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиви тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1297-3.

31. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2017 йил 27 июндаги 88-сон «Товар моддий бўйлиқларини олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1245-3.

32. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 27 июндаги 01/16-1-10/10-сон «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳоли мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомининг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1469-4.

33. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 24 июндаги 14/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозитдорларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўй-

хатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-5.

34. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 июндаги 321-В-6, 91, 2017-32-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобвақчаларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-6.

35. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 5 июлдаги 171-мх-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420-3.

36. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2017 йил 14 июндаги 2/12-сон «Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига 9-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1303-4.

37. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқару-

вининг 2017 йил 24 июндаги 14/17-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-1.

38. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 7 июлдаги 174-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2202-1.

39. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 29 июндаги 138, 86, 2017/04-11, 01-02/8-28-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона бож ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-6.

40. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги 93, 175-В-1, 20-қў-сон «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантириш тўғрисидаги низоми ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 975-1.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 391, 1998 йил 13 январь), шунингдек унга қўшимчалар (рўйхат рақами 391-1, 2015 йил 2 февраль).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб кириладиган товарларни божхона қийматини билдириш ва назорат қилиш қоидалари (рўйхат рақами 899, 2000 йил 22 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 899-1, 2013 йил 16 январь), (рўйхат рақами 899-2, 2015 йил 10 март).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Божхона қийматини тўғрилаш БҚТ-1 ва БҚТ-2 шакллари тўлдириш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 920, 2000 йил 20 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 920-1, 2002 йил 31 январь), (рўйхат рақами 920-2, 2008 йил 8 январь), (рўйхат рақами 920-3, 2012 йил 13 апрель), (рўйхат рақами 920-4, 2012 йил 15 декабрь), (рўйхат рақами 920-5, 2013 йил 6 март).

Адлия вазирининг 2017 йил 14 мартдаги 54-мх-сон буйруғига асосан 2017 йил 22 июнда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги

низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2796, 2016 йил 8 июнь).

Адлия вазирининг 2017 йил 23 июндаги 151-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2795, 2016 йил 8 июнь).

Адлия вазирининг 2017 йил 23 июндаги 152-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Электр энергетикада назорат бўйича Давлат агентлиги «Ўздавэнергоназорат»нинг «Ўзбекэнерго» ДАК электр тармоқлари бўйлаб электр энергиясини узатишда унинг сарфини ҳисоб-китоб қилиш ва нормалаштиришни ташкил этиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1287, 2003 йил 28 ноябрь).

Адлия вазирининг 2017 йил 19 апрелдаги 79-мх-сон буйруғига асосан 2017 йил 3 июлда давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантириш тўғрисидаги низоми (рўйхат рақами 975, 2000 йил 29 сентябрь).

Адлия вазирининг 2017 йил 7 июндаги 176-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мақзур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Давлат инспектори тўловни қабул қилиш мақсадида терминал билан келади
- ✓ Газни ҳисобга олиш приборлари 48 ойда 1 марта текширилади
- ✓ Форс-мажор қачон юзага келади

- ✓ Россияликларни ҳисоблагичларни текширишдан озод қилмоқчилар
- ✓ Пломба носозлиги учун қим жавоб беради?
- ✓ Жониворлар учун эгаси масъул
- ✓ Жамғармаларнинг бир қисмини беришлари лозим
- ✓ Бадал ўрнига қурилиш материаллари
- ✓ Коммунал хизматлар нархлари ўзгарди



Қонунчиликдаги янгиликлар

Давлат инспектори тўловни қабул қилиш мақсадида терминал билан келади

Президентнинг 23.06.2017 йилдаги Ф-4977-сон Фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг самарали фаолиятини таъминлашга доир чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хужжатга мувофиқ турар ва нотурар жой фонди, шунингдек электр энергияси ва газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилади. Унинг натижаларига кўра 1,1 млн электр ҳисоблагичлар электр энергияси истеъмоли ҳисобини назорат қилувчи автоматлаштирилган тизимга (ЭИХНАТ) уланади, 1,5 млн таси – замонaviйларига алиштирилади, 21,5 мингтаси эса илгари ҳисоблагичлар бўлмаган нукталарга ўрнатилади. Газ ҳисоблагичларининг алмаштирилиши эса тахминан 2,3 млн нуктани қамраб олади, 903,8 мингта нуктада ҳисоблагичлар илк бор ўрнатилади. Улар ҳам табиий газни назорат қилувчи ва ҳисобга олувчи автоматлаштирилган тизимга уланади. Бундан ташқари, барча ҳисоблагичларни Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти хизматлари ягона биллинг тизимига бирлаштириш режалаштирилмоқда.

Бунда ҳисобга олиш приборлари энергия таъминоти ташкилотлари ҳисобидан алмаштирилади.



Бошқа тадбирлар билан бир қаторда ташкил этилган Бюрони 4 386 та тўлов терминали билан жиҳозлаш назарда тутилмоқда. Шундан 4 193 та терминал электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини назорат қилувчи давлат инспекторларига берилади. Инспекторларга янада тез ҳаракатланишлари учун мопедлар берилади.

Ҳар қандай хоҳловчи электр энергияси ва табиий газнинг ноқонуний истеъмол қилиниши далиллари ҳақида

*Таҳририят истилофоти вазиятларини тахсил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

хабар бера олиши учун 1107 рақамли ишонч телефонини ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Қайта тикланадиган энергия манбаларидан энергия тежовчи технологиялар, шу жумладан ўзимизда ишлаб чиқарилган қуёш панеллари ва батареялари, сув иситиш тизимлари, энергетик жиҳатдан самарали иситиш қозонлари ўрнатилишини қурилаётган кўп хонадонли ва шахсий турар жойлар, шунингдек уларга туташ ҳудудларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига киритиш мажбурий шарт қилиб қўйилади.

Истеъмолчилар – жисмоний шахсларни амалдаги энергия ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйган ҳолда муқобил энергетика манбаларидан фойдаланганлик учун мол-мулк солиғи ва ер солиғидан озод қилиш ҳам қайта тикланадиган

энергия манбаларини жорий этишга доир рағбатлантирувчи чора-тадбирлар сирасига қиради.

Шунингдек ижро ишини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда:

- ижро ҳужжатларида ундирилаётган қарз юзага келган давр кўрсатилади;
- ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш муддати 5 кундан 15 кунга узайтирилади;
- суд ёки бошқа орган қайтарилган ижро ҳужжати келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни давомида унда йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиб, уни давлат ижросига умумий тартибда такроран йўллаши тартиби белгиланади.

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.



Норматив лойиҳалар

Газни ҳисобга олиш приборлари 48 ойда 1 марта текширилади

ҚЎТБТ порталида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг «Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Лойиҳа қуйидагилар таърифлари билан тўлдирилди:

- газ таъминоти ташкилотлари;
- маиший истеъмолчи;
- текширув ўтказиш ишлари.

Чунинчи, маиший истеъмолчи – газ таъминоти ташкилотидан газ харид қилувчи ва ундан маиший эҳтиёжлар учун ёқилғи сифатида фойдаланувчи жисмоний шахс. Юридик шахслар ҳужжат матнидан чиқариб ташланган, тегишинча, **Низомнинг янги таҳрири фақат жисмоний шахсларга татбиқ этилади.**

Газни ҳисобга олиш приборлари:

- даврий текширувдан;
- навбатдан ташқари текширувдан;
- эксперт текширувдан (фақат суриштирув, тергов, прокуратура органлари ёхуд суд қарори ёки ажрими асосида) ўтказилади.

Лойиҳага биноан даврий текширувлар оралиғидаги интервал 48 ойда 1 мартани ташкил этади (амалдаги Газни ҳисобга олиш приборларини текшириш тўғрисидаги низомда ушбу муддат жисмоний шахслар учун – 4 йилда 1 марта, юридик шахслар учун эса – 2 йилда 1 марта). Шу тариқа, кейинги текширувдан у ўтказилган аниқ календарь санага қараб ўтиш зарур бўлади.

Газ таъминоти ташкилоти текширувлар оралиғидаги интервал тугашидан бир ой олдин текширув ўтказилиши ҳақида хабардор қилади. Ҳисобга олиш прибори ёчиб олинган кундан бошлаб 15 кун давомида текшириш ишлари ўтказилиши керак. Истеъмолчи тегишли ишлар бошлангунча текширув ўтказиш ҳақини тўлайди.

Прибор ёчиб олингандан кейин, агар газ таъминоти ташкилотидан текширувдан ўтган газни ҳисобга олиш приборлари бўлса, ёчиб олинганининг ўрнига айирбошлаш фондидаги ҳисоблагични ўрнатиш мумкин бўлади. Бунда истеъмолчиға сертификат нусхаси берилади.

Лойиҳага мувофиқ газ таъминоти ташкилотининг ходими ҳисобга олиш приборини ўзи ёчиб олади, ёчиб олганлик тўғрисидаги далолатнома билан бирга 3 иш куни давомида метрология хизматиға топширади ва уни ўзи қайтиб ўрнатади.

Лойиҳага ўзгартириш, қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

Моҳина Мирзаева,
«Norma Online» эксперти.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



Мавзуга доир савол

Форс-мажор қачон юзага келади



Газ етказиб берувчи форс-мажор ҳолатлар юзага келганда уни узатишни чеклаб, бунинг учун жавобгар бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларга нималар киради?

А.Аҳмедова.

– Шартнома тарафлари газ етказиб бериш-қабул қилишни тўхтатиш ёки камайтиришга ҳақли бўлган ва бунинг учун жавобгар бўлмайдиган форс-мажор ҳолатлар куйидаги ҳолларда юзага келади:

а) тарафлар олдиндан кўра билиши ва (ёки) олдини олиши мумкин бўлмаган табиий офатлар (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва б.) оқибатида зиммаларига олган вазифаларни бажара олмаганда;

б) газ конлари, газ тармоқларида қутилмаган вазиятлар сабабли юзага келувчи аварияларда (Чакана истеъмолчига табиий газ етказиб бериш шартномасининг 9.1-банди).



Хориж тажрибасидан

Россияликларни ҳисоблагичларни текширишдан озод қилмоқчилар

Росстандарт раҳбари Алексей Абрамов аҳолини УЖКХдаги «текшириш юки»дан озод қилиб, маиший ҳисобга олиш приборларини текшириш мажбуриятини бошқарувчи компанияларга юклашга ундади. Идора раҳбарининг фикрича, бу масалани жорий йилдаёқ ҳал этиш лозим.

Агар қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар қабул қилинса, бу ҳисобга олиш приборларини текшириш хизматларини тикиштириш билан боғлиқ кўплаб товланмачилик ҳолларига чек қўяди. Ҳозир фибригбарлар уй-жой мулкдорлари ҳисоблагичлар текширилишини мустақил таъминлашлари шартлигидан фойдаланадилар. Улар уй эгаларига кўнгиноқ қўладилар, йўлакма-йўлак юрадилар ва эълонлар ёпиштирадилар, қонунда ёки қандайдир жадвалда белгиланган муддат ўтаётганлиги ва «жамоа» текшируви ўтказилаётганлигини айтадилар. Рад этган фуқароларни эса коммунал маҳсулотлар учун катта миқдор ҳисобланиши билан қўрқатадилар. Идорада айтишларича, аслида «жамоа» текширувларини ўтказишнинг иложи йўқ – ҳар битта ҳисобга олиш приборини текширишнинг ўз муддати бор.

Шу муносабат билан амалдорлар ҳатто расмий мурожаат ҳам қилиб, кўп квартиралли уйлар аҳлини фибригбарларнинг янги схемаси ҳақида огоҳлантирдилар: кўнгиноқлар ўрнига УЖКХ учун расмий квитанцияларга жуда ўхшаш бланкаларда нўписа қилинган ҳатлар келмоқда.

Уй-жой-коммунал бизнес экспертлари амалдорлар гоёсини бахсли деб топдилар. Бир томондан, оддий одамлар текширув ўтказишга ҳақли ташкилотни излаш, кейин эса устани соатлаб кутиш ташвишидан қутуладилар (квартирага уста эмас, ўғри кириб келса-чи?). Бошқа томондан – янги модель уй аҳли учун қўшимча харажатни юзага келтириши – уйни сақлаш харажатларини ошириши хавфи мавжуд. Зеро уй бошқарувчилари янги ишни текинга бажармайдилар.

Бунинг устига, бошқарувчи компаниялар суниестеъмолчиликлар қилишини истисно этиб бўлмади.

Экспертларнинг таъкидлашича, янги модель жорий этилиши билан фибригбарлар сони камайиши қутилмоқда. Ҳар бир бошқарувчи компания қайси квартирада қачон текширувлар оралиғидаги интервал ўтишини аниқ (ҳатто кунига) билади. Уй бошқарувчилари аккредитацияланган тузилмалар мутахассисларини аниқ манзилларга жўнатадилар. Фуқаронинг фибригбарга йўлиқиши истисно этилади.

«Энергияни тежаш тўғрисида»ги қонунга тегишли тузатишларни 2017 йил кузига ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Интернет тармоғи материалларидан.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



Ҳуқуқий саводхонлик мактаби

Пломба носозлиги учун ким жавоб беради?



Туман электр таъминоти корхонаси менга тегишли компаниядан ҳисобга олинмаган электр энергияси ҳажмининг йирик миқдордаги қийматини ундириш ҳақида даъво тақдим этди.

Гап шундаки, ТЭТК ходимлари навбатдаги айланиб чиқиш чоғида корхонамдаги ҳисоблагичнинг ҳолатини ўрганиб, клемма қопқоғи ва пломба жойида бўлмаганлиги учун Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги тўғрисида далолатнома тузганлар. Аслида ТЭТКнинг бошқа ходимлари ҳисоблагични бундан олдин кўздан кечириётганларида ҳисоблагич клеммаси қопқоғи ундаги шикастланмаган пломба билан бирга тушиб кетган. Клемма қопқоғидаги пломбага зиён етмаган, сабаби у фақат қопқоғқа маҳкамланган эди. Бундан ташқари, ТЭТК ходимлари далолатномада биз қонун ҳужжатларининг қандай нормаларини бузганлигимизни кўрсатмаганлар. Бундай вазиятда ТЭТКнинг даъво қилиши тўғрими?

С.Ю.

— Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарорига 1-илова) 63-бандига мувофиқ: «Истеъмолчининг (маиший истеъмолчидан ташқари) айби билан ҳисобга олишни назорат қилиш прибори шикастланишига (пломбаси бузилишига, ойнасининг синишига ва шу кабилар) йўл қўйилган тақдирда ... ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакили белгиланган шакл бўйича қоидаи бузиш далолатномасини тузди». Қоидаларнинг мазкур бандида ушбу далолатнома асосида ҳисобга олишни назорат қилиш прибори истеъмолчининг айби билан шикастланган (пломбаси бузилишига йўл қўйилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ёки айланиб чиқишда кўз билан кўриб аниқланадиган энергия бошқа усулда ўтирилган тақдирда, охириги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда истеъмолчи электр тармоғидан узиб қўйилиши ва энергия таъминоти шартномасида кўрсатилган истеъмолчининг иш соатлари сони ҳисобга олинган ҳолда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати бўйича ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори қиймати ҳисоб-китоб қилиниши ҳам назарда тутилган. Яъни Қоидаларда истеъмолчининг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари билан электр таъминоти корхонасига етказилган зарар электр ҳисоблагич одатдагидек ишлаганда электр энергиясининг энг кўп сарфиётидан келиб чиқиб қопланиши белгиланган.

Айни пайтда истеъмолчининг айби (атайлаб қилган ёки эҳтиётсизлик оқибатидаги хатти-ҳаракатлари) исботланиши керак. Унинг айби муайян ҳолатлардан, ҳисоблагични кўздан кечиришдан келиб чиқиб тўпланган ҳақиқатдаги маълумотлар асосида исботланади.

Сизнинг ҳолатда пломба шикастланмаган бўлса, клемма қопқоғини атайлаб ёки билмасдан очишдаги айбинингизни тўғридан-тўғри исботлаб бўлмайди, сабаби пломба клемма

қопқоғини берухсат очишдан тўсиш учун мўлжалланган. Бундай вазиятларда ҳисобга олинмаган электр энергияси ҳажми қийматини Қоидаларнинг 65-бандига мувофиқ ҳисоблаш лозим. Унда назарда тутилишича: «Электр энергиясини ҳисобга олиш истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган қилинган электр энергияси учун ҳисоб-китоб ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади».

Туман электр таъминоти корхонаси ходимлари далолатномада қонун ҳужжатларига ҳавола қилмай, юқоридаги Қоидаларнинг 2-бандини бузганлар, унда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан вакил қилинган шахс белгиланган намунадаги далолатномани расмийлаштириши назарда тутилган. Ўз навбатида белгиланган намунада истеъмолчи бузган нормага ҳавола қилиш талаб этилган устун бор.

Бундан ташқари, агар сиз ҳисоблагич кўрсаткичларини камайитириш ниятида уни атайин очганингизда ҳисоблагич уланган электр истеъмоли ҳисобини назорат қилувчи автоматлаштирилган тизим (ЭИХНАТ) унинг ишига аралашганлик ва ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари камайитирилганлигини қайд этиши лозим эди. Агар бундай ҳолат аниқланмаган бўлса, бу сиз қоидабузарликка йўл қўймаганингизнинг яна бир исботи бўлади.

Бунинг устига, Қоидаларнинг 120-бандида айтилишича, айланиб чиқишда кўз билан кўриб аниқланадиган қоида бузишларга йўл қўйилган тақдирда охириги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатдаги давр учун ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори қиймати ҳисоб-китоб қилинади. Бироқ Қоидаларда ҳам, бошқа бирон-бир норматив ҳужжатда ҳам айланиб

чиқишлар даврийлиги белгиланмаганлиги, даъво муддати эса 3 йилни ташкил этишини ҳисобга олиб, ТЭТК ходимлари охириги марта қачон ҳузуригизга келганларини аниқ белгилашни тавсия этамиз. Айланиб чиқиш далили, у ўтказилган сана ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда фойдаланишингиз учун ҳужжатлар билан қайд этилган бўлиши керак.

Афсуски, электр таъминоти корхоналарининг инсофсиз ходимлари ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат қилган бўлишлари ҳам мумкин. Бундай ходимлар жаримадан қочиш мақсадида истеъмолчи билан келишиб олиш ниятида ҳисоблагичлардаги пломбаларни атайин узиб ташлаган ёки бошқа йўл билан бузган ҳоллар учраган.

Кўрсатилган далиллардан фойдаланган ҳолда судга ёки Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига мурожаат қилиб, қонуний ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишингиз мумкин. Қўмита бу сингари истеъмолчилар манфаатлари бузилиши ҳолатларини индивидуал тартибда қўриб чиқади ва электр таъминоти кор-

хоналарига ноконуний талабларини бекор қилиш тўғрисида кўрсатмалар юборишга ҳақли.

Шу билан бирга, истеъмолчилар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотларга ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси бўлинмалари ана шу вазифани бажарадилар.

Ҳисоблагич носозлигида ТЭТК ходимларининг ўзи айбдорлиги ҳусусида шубҳангиз бўлса, бу ҳақда электр энергиясини етказиб берувчига тўғридан-тўғри хабар беринг ёки ТИИБ ёхуд прокуратурага мурожаат қилинг.

Шикастланган электр ҳисоблагични қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамда етказиб берувчи билан хизмат истеъмолчиси ўртасидаги шартнома шартларига мувофиқ тиклаш лозимлигини назарда тутинг.

Рустамбек Жанабаев,

«Victory Yurconsalt» МЧЖ юрисконсулти.



Тахририят почтасидан

Жониворлар учун эгаси масъул



Тепа қаватда яшовчи қўшнимизнинг учта мушуги ва битта ити бор. Ит кўпинча вояуллаб, атрофдаги ҳаммани безовта қилади. Қўшним уларга бақиради, уларни уради, кўпинча кўчага чиқариб юбориб, уйига киризмайдди. Улар оч-наҳор, қаровсиз аҳволда юрадилар, кўпинча йўлакда ухлайдилар. Ҳайвонларнинг эгаси танбеҳимизга жавобан: «Сизнинг ишингиз бўлмасин. Менинг Ҳайвонларим, хушимга келганини қиламан» дейди. Ҳайвонлар билан бундай муомала қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилганми? Уларни кўп квартиралли уйларда сақлашга оид қандайдир қоидалар мавжудми? Агар эгаси лозим даражада парвариш қилишга қодир бўлмаса, шунча Ҳайвонга эга бўлиши мумкинми?

Н.Сувонова.

— Кўп қаватли уйнинг алоҳида кватирасида қўшнимларнинг ва ХУМШнинг розилиги билан биттадан ортиқ бўлмаган итни ва битта мушукни сақлашга рухсат берилади (Қоидаларнинг 9-банди, ВМнинг 8.07.2011 йилдаги 202-сон қарорига 4-илова). Итлар очик-жойларда сайр қилдирилганда ва турар жой биноларида итларнинг эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари — эрталаб соат 8.00 гача ва кечқурун 22.00 дан кейин итларнинг вояиллашининг олдини олишлари керак (Қоидаларнинг 10-банди).

Ҳайвон уй аҳлига тинчлик бермаса, уларнинг норозилигини келтириб чиқарса, эгасидан суднинг қарорига кўра ёки қонун ҳужжатларига назарда тутилган бошқа

асослар бўйича олиб қўйилиши мумкин (Қоидаларнинг 18-банди).

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқилишнинг қоидаларини бузиш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан эгасиз Ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик фуқароларга ЭКИХнинг 1/10 қисмидан

1/2 қисмигача, мансабдор шахсларга эса — 1/2 қисмидан 1 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етишига олиб келса, фуқароларга ЭКИХнинг 1/2 қисмидан 1 бараваригача, мансабдор шахсларга эса — 1 бараваридан 2 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 110-моддаси).

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш уларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, худди шунингдек Ҳайвонларни қийнаш ЭКИХнинг 1/2 қисмидан 2 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 111-моддаси).

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз **Ирина Гребенюк** олиб боради.



Жамғармаларнинг бир қисмини беришлари лозим

? ХУМШда айтишларича, биз кўп квартиралар уйдаги турар жойларнинг мулкдорлари ва шу билан бирга ўз ҳисобимиздан тутиб туришимиз керак бўлган умумий мол-мулк эгалари ҳисобланар эканмиз. Турар жой мулкдорларининг умумий мол-мулкига нималар киришидан бехабармиз. Ширкат мол-мулкига эга саналадими, унга нималар киради?

Ўйимиз аҳли катта ХУМШ таркибидан чиқиб, бир ўйли ширкат ташкил этишга қарор қилди. Ширкат мол-мулкининг қайсидир қисмига давъогарлик қилишга ҳақлимизми?

А.Пак.

– Қуйидагилар турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулки ҳисобланади:

➤ кўп квартиралар уйнинг умумий жойлари (масалан, холлар, аравачалар қўйилмаган жойлар, ахлат камералари хоналари ва ҳ.к.);

➤ таянч ва тўсиқ конструкциялар (масалан, балконлар, пешайвонлар деворлари, пардеворлари, конструкциялари, фасадларнинг ойнаванд жойлари);

➤ квартиралар ораллигидаги ихоталанган (ўралма) пиллапоярлар;

➤ зинапоярлар (йўлакдаги, ташқи, бинога кириш жойларидаги);

➤ лифтлар;

➤ лифтининг шахталари ва бошқа шахталар (масалан, вентиляция);

➤ дахлизлар;

➤ техник қаватлар;

➤ ертўлалар;

➤ чердаклар ва томлар;

➤ уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари;

➤ жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар («Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси).

Ширкатнинг мол-мулки:

➤ ширкатнинг пул маблағлари;

➤ бинолар;

➤ иншоотлар;

➤ ускуналар;

➤ асбоб-анжомлар;

➤ транспорт воситалари ҳамда

ХУМШ маблағлари ҳисобига ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ускуналарда олинган ўзга мол-мулкдан, шунингдек ширкатнинг ер участкасидаги кўчаларзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларидан иборат бўлади.

Ширкатнинг пул маблағлари қуйидагилардан таркиб топади:

➤ ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари;

➤ ширкат аъзоларининг ихтиёрий бадаллари;

➤ юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари;

➤ тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар (фойда);

➤ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ва тушумлар.

Алоҳида кўп квартиралар уйдаги жой мулкдорлари ширкат аъзолигидан чиққан тақдирда, бу кўп квартиралар уйи капитал таъмирлаш учун жой мулкдорлари томонидан маблағларни мақсадли жамғариш ҳисобига тўпланган ширкат пул маблағларининг бир қисми янги тузилмадан ширкатга белгиланган тартибда ўтказилиши керак (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 37-моддаси).

Бадал ўрнига қурилиш материаллари

? Квартирамни таъмирлаганимдан кейин қолган бўёқ, бошқа қурилиш материалларини ширкат мажбурий бадалнинг бир қисми ўрнига қабул қила оладими? Айни пайтда у йўлакларни таъмирламоқчи. Агар шундай вариантни қўллаб бўлса, материалларнинг касса чеклари бўлмаганда у қандай нархларда қайта ҳисоб-китоб қилади?

Т.Саидқосимов.

– Айрим ҳолларда ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши жой мулкдори томонидан мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин (Қонуннинг 30-моддаси). Яъни ширкат ХУМШ аъзосидан унинг мажбурий бадали ўрнига қурилиш материалларини қабул қилиш мумкин. Бироқ бунда, бир неча

марта ёзганимиздек, муайян механизмга риоя этиш шарт. Агар йўлакларни таъмирлаш режалаштирилган, смета билан ҳисобланган бўлса, ширкат сиздан материалларни қабул қилиб, унинг доирасидан чиқмайди. Агар у бадалларингиз миқдорини камайтириб, материалларни ғамлаб қўйса, қандайдир режалаштирилган ишга пули етмаслиги мумкин.

Агар ширкат касса чексиз бадаллар ҳисобига қурилиш материалларини

қабул қилган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилаётганда жорий даврдаги бозор нархларидан келиб чиқиши шарт. Бунинг учун шунга ўхшаш материалларни сотувчи бир нечта дўконга кўнғироқ қилиб, мониторинг ўтказишингиз ва уларни аризонлигида қайд этишингизга тўғри келади. ХУМШ бошқаруви ҳам худди шу ишни қилиши лозим. Шундан кейин тарафлар ягона фикрга келиб, буни баённомада акс эттирадилар.

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



УЖКХ: тарифлар

Коммунал хизматлар нархлари ўзгарди

Июль ойининг иккинчи ярмидан коммунал хизматлар истеъмолчилари учун тарифлар яна оширилди. «Ўзтрансгаз», «Ўзбекэнерго», Тошкент шаҳар «Сувсоз» ДУК ва «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК ўзларининг расмий сайтларида янги нархлар тўғрисида хабар бердилар.



Жорий йилнинг 15 июлидан табиий газга янги тарифлар жорий этилди.

1. Аҳоли томонидан фойдаланилган табиий газ учун тарифлар*

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Тариф
Аҳолига етказиб бериладиган газ:			
1.1	газ ўлчагичи бор бўлганда	10 м³	2 634,00 сўм
1.2	газ ўлчагичи йўқ бўлганда: овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	10 м³	4 555,10 сўм
	иситиш учун*	10 м³	2 112,45 сўм

2. Газ ўлчагичлари йўқ ҳолатда коммунал-рўзгор эҳтиёжларига ишлатиладиган газ учун тарифлар

Т/р	Истеъмолчи тавсифи	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўловлар	
			йиллик*	ойлик
2.1	Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пишириш газ плиталари	бир яшовчидан – 11,0 м³	60 127,20 сўм	5 010,60 сўм
2.2	Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларда овқат пишириш газ плиталари	бир яшовчидан – 15,0 м³	81 991,80 сўм	6 832,65 сўм
2.3	Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситгичлар	бир яшовчидан – 16,0 м³	87 457,80 сўм	7 288,15 сўм
2.4	Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар, уй ва квартираларни 5 ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига:	иситиладиган хонанинг 1 м³ учун		
	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	хонанинг 1 м³ учун – 6,0 м³	6 337,25 сўм	1 267,45 сўм
	Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда	хонанинг 1 м³ учун – 5,76 м³	6 083,75 сўм	1 216,75 сўм
2.5	Дағал ва илғизмевали озуқаларни буглаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда ҳайвонларга озуқа тайёрлаш	1 бош:		
		отга – 5,6 м³	30 610,20 сўм	2 550,85 сўм
		сигирга – 23,7 м³	129 547,20 сўм	10 795,60 сўм
		қўй (эчки)га – 2,2 м³	12 025,20 сўм	1 002,10 сўм
		чўчқага – 12,5 м³	68 326,80 сўм	5 693,90 сўм

*Иситиш ҳақи 5 ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Шунингдек 15 июлдан электр энергияси тарифлари оширилди.

I гуруҳ	Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори. Икки ставкали тариф:	
	бир йилга 1 кВт энг юқори юклама учун тўлов	336 000 сўм
	1 кВт-соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов	158 сўм 10 т.
II гуруҳ	Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қувват 750 кВАгача Бир ставкали тариф	204 сўм 30 т.
III гуруҳ	Ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари, шу жумладан бюджетдан молиялаштирилаётган насос станциялари	204 сўм 30 т.
IV гуруҳ	Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электр тортиш)	204 сўм 30 т.
V гуруҳ	Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари, шаҳар кўчаларини ёритиш	204 сўм 30 т.
VI гуруҳ	Савдо ташкилотлари, кафе, ресторанлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари	208 сўм 50 т.
VII гуруҳ	Аҳоли, аҳоли пунктлари	204 сўм 30 т.
	Электр плиталар билан жиҳозланган турар жой аҳолиси	102 сўм 15 т.
VIII гуруҳ	Иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва совутиш (кондициялаш) эҳтиёжларига ишлатиладиган электр энергияси	215 сўм 60 т.
IX гуруҳ	Реклама ва иллюминация	215 сўм 60 т.
X гуруҳ	Энергетика тизимининг хўжалик эҳтиёжларига	204 сўм 30 т.

Ушбу тарифлар ҚҚС билан ўрнатилган ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (29.06.2017 йилдаги 19-03-22-06-РУз-29-2017-сон ревстр).

21 июлдан иссиқ ва совуқ сув таъминотида янги тарифлар амалга қилинади.

Юридик шахслар учун иссиқлик энергиясига корхоналар ва ташкилотлар учун улгуржи тариф Гкал учун 68 700 сўм (ҚҚСсиз) ёки Гкал учун 82 440 сўм (ҚҚСни ҳисобга олиб) миқдоридан белгиланган.

Иссиқ сувни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган юридик шахслар (қўп квартиралари турар жойларда жойлашганларидан ташқари) учун иссиқлик энергияси икки баравар оширувчи коэффициентни қўллаган ҳолда етказиб берилади.

Аҳоли учун қуйидаги тарифлар белгиланади:

- марказий иситиш – иситиладиган 1м² майдон учун 1 323,86 сўм;
- иссиқ сув таъминоти:
 - ҳисобга олиш прибори бўлганда – 1 м³ сув учун 3 915,9 сўм;
 - ҳисобга олиш приборларисиз – бир кишидан ойига 15 292,52 сўм;
 - умумий душхонали ётоқхоналарда – бир кишидан 11 376,16 сўм.

Пойтахтда водопровод ва шаҳар канализациясидан фойдаланганлик учун 1 м³ учун қуйидаги миқдорда тўлашга тўғри келади:

- водопровод суви – 285 сўм;
- канализация хизматлари – 155 сўм.

Қўп квартиралари уйлар квартираларида ҳисоблагич бўйича ҳақ тўлаганда 1 м³ қиймати қуйидаги миқдорни ташкил этади:

- марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти бўлган – 500 сўм;
 - марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти бўлмаган – 345 сўм.
- Хусусий секторда 1 м³ сув учун тариф қуйидаги миқдорни ташкил этади:
- канализацияли уйларда – 345 сўм;
 - канализациясиз уйларда – 190 сўм.



Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

2017 йил – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ
ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ



Хорижда ҳам сизга ёрдам берадилар

Халқаро пресс-клубда ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилловнинг фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқоти бўлиб ўтди.

Вазир хориждаги юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва уний манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимизга янада қулайлик яратиш бўйича чора-тадбирлар, консуллик-ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг шароит ва тартибларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Масалан, чет элда ҳужжатлари йўқолган ва мамлакатимизга қайтиш учун гувоҳнома берилишини сўраб мурожаат қилган аризачининг шахсини тасдиқлаш муддати 3 ойдан 7 иш кунига қисқартирилди.

Хорижий давлатларда яшовчи ва паспортини биометрик ҳужжатга алмаштиришга улгурмаган фуқаролар учун эски паспортдан йўл ҳужжати сифатида фойдаланиш муддати 2018 йил 1 июлгача узайтирилди.

Шунингдек бугунги кунда фуқароларга «Интерактив консуллик хизматлари» портали (consul.mfa.uz) орқали 12 турдаги консуллик хизматлари кўрсатилаётгани қайд этилди. Чет элликларнинг Ўзбекистонга кириш визасини олишнинг расмийлаштириш учун evisa.mfa.uz веб-сайти яратилди.

ЎЗА ахбороти асосида.

Ташқи ишлар вазирлигида вазир Абдулазиз Комилов билан тўғридан-тўғри мулоқот давомида Ўзбекистон фуқаролари томонидан кўтарилган долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисида Президент девони, Бош прокуратура, ички ишлар, бандлик ва меҳнат муносабатлари бўйича вазирликлар, Давлат божхона қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги Ташқи миграция масалалари бўйича агентлик ва бошқа давлат тузилмалари вакиллари иштирок этди.

ТИВ сайтида келтирилишича, учрашув давомида фуқаролар томонидан кўтарилган масалалар, шунингдек қонун ҳужжатлари, қонуности ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш таклифлари муҳокама қилинди.

Хорижда меҳнат фаолиятини лицензиялаш масаласига доир мурожаатлар бўйича амалдаги тартиб-таомилларни соддалаштириш ва онлайн тарзда рўйхатдан ўтказишни жорий этиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон фуқароларининг хорижда чиқиш визаларини олиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар (мурожаат қилганларнинг 9,5 фоизи) юзасидан уларни ҳал этишнинг бир неча вариантлари, ҳатто стикерларни тўлиқ бекор қилиш таклифлари билдирилди.

Маълумот учун қайд этилдики, Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат ташрифи давомида икки томонлама имзоланган тегишли битимни амалга ошириш доирасида Ташқи миграция масалалари бўйича агентлик томонидан Россиянинг бир қатор шаҳарларида Агентлиكنинг ваколатхоналарини очиш масаласи бўйича иш олиб борилмоқда.

Паспорт ўғирланганда

Мен талабаман, Штатларда 3 йил таҳсил олганман, ихтисослигим бўйича Францияда ёзда ишлашга таклифнома олганим учун 2 ойдан кейин сафарга чиқишни мўлжаллаётган эдим. Бироқ ҳужжатларим солинган сумкамни ўғирлатиб қўйдим. Ўзбекистон консуллик муассасасига уни йўқотганим тўғрисида ариза беришим зарурлигини биламан. Шундан кейин нима қилинади? Паспортни тиклашга қанча вақт кетади, бунинг учун нима қилиш лозим?

Эмилия К.

– Ҳақиқатан ҳам, хорижда паспортини ўғирлатган фуқаро бу ҳақда Ўзбекистон дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига зудлик билан маълум қилиши шарт, унинг илтимосига биноан улар 3-сон шаклдаги тегишли маълумотномани берадилар (АВ томонидан 11.05.1999 йилда 726-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 21-банди).

Шу билан бир вақтда паспортини ўғирлатган шахс ўз паспортдан жиноий мақсадларда фойдаланилишининг олдини олиш мақсадида жиноят содир этилган жойдаги полиция органларига бу ҳақда хабар бериши, шунингдек паспортини ўғирлатганлиги хусусида полицияга мурожаат этганини тасдиқлаш учун маълумотнома беришларини талаб қилиши шарт.

Консуллик муассасасидаги мансабдор шахс фуқаронинг паспортини йўқотганлиги ҳақидаги аризасини шикоят ва аризаларни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўтказиб, унинг аризасини кейинчалик белгиланган тартибда текширув ўтказиш учун ЎЗР ИИВга беришини кўлаб Ўзбекистон ТИВ Консуллик бошқармасига юборади.

Паспорт йўқотилган ҳолларда дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари бўлиш давлатининг ваколатли органларини, шунингдек бўлиш давлатида аккредитацияланган бошқа давлатлар ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти бекор қилинганлиги ва қидирувда эканлиги ҳақида хабардор қиладилар.

Янги паспорт ариза берилган кундан бошлаб 1 ой ичида берилади (Йўриқноманинг 22-банди).

Тартибни бузяптилар

Тошкентда доимий равишда яшайман, пенсия оламан, РФ фуқаролигига эгаман. Бир ой аввал Ўзбекистон фуқаролигидан воз кечдим, бироқ ҳозирча кетиш ниятим йўқ. Яшаш гувоҳномасини қандай олишим мумкин, ахир Тошкентда ўз квартирам ва доимий прописка бор. Визалар ва рўйхатдан ўтказиш бўлимидагилар паспортни топшириш керак, яшаш гувоҳномасини эса ҳозирча бермай-миз дейишяпти.

Курьянова. Тошкент ш.

– Яшаш гувоҳномасини олиш учун доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

- ИИВ томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;
- хорижий давлатнинг ҳақиқий паспорти;
- ваколатли органлар томонидан берилган ва аризачининг фуқаролиги тугаганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;
- катталлиги 35 x 45 мм қора-оқ ёки рангли 5 та фотосурат;
- истиқомат жойидан оила аъзолари кўрсатилган маълумотнома;
- никоҳ тўғрисида гувоҳнома (Низомнинг 15-банди, 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармонга 2-илова).

Паспорт столи материалларни мустақил равишда кўриб чиқади ҳамда юқори ички ишлар органи билан келишган ҳолда хорижий шахсга яшаш гувоҳномасини бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Мазкур материалларни кўриб чиқиш муддати 15 кундан ошмаслиги керак.

Хорижий шахс учун яшаш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини бузаётган мансабдор шахсларнинг ноҳақ хатти-ҳаракатлари хусусида улар бўйсунадиган юқори мансабдор шахсга қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Умумий асосларда

Агар Тошкентдаги пропискадан чиқиб, бир неча йил консуллик ҳисобида турсам, Тошкентдаги ўз квартирамда яна пропискадан ўта оламанми?

В.Левитин. Тошкент ш.

– Тошкентга қайтиб келишингиз билан консуллик ҳисобидан чиқишингиз зарур. Агар сиз Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати (ВМнинг 7.10.2016 йилдаги 336-сон қарорига 1-илова) кирувчи ташкилотларнинг ходимларидан бўлсангиз ва Ўзбекистон ташқарисига чиқиб кетгач, турли сабабларга кўра келган жойингиз бўйича прописка қилинмаган ҳамда 1 йил ичида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги жўнаб кетиш варағи билан қайтиб келган бўлсангиз, Тошкентда умумий асосларда доимий прописка қилинишингиз мумкин (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 33-банди).

Акс ҳолда 5 кун ичида турган жойингиз бўйича ҳисобга қўйилишингиз шарт (АВ томонидан 28.06.2016 йилда 2804-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 2-банди; Низомнинг 12-банди, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова).

Хавотирланишингиз ўринсиз

3 йилдан буён Латвияда яшайман, доимий яшовчи фуқаро мақомига эгаман, яқинда Латвия фуқаролигини олдим. Ўзбекистонда фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномасига эгаман. Ўзбекистонга келмасдан, Латвиядаги консуллик муассасасида уни узайтирмоқчи ёки ундан воз кечмоқчи бўлдим, бироқ буни рад этдилар. ЎЗРга кирганимда яшаш гувоҳномани алмаштириб беришларини камида 1 ой кутишимга тўғри келади. Яшаш гувоҳномасидан воз кечишим мумкинми? Менга қандай ҳужжатлар керак бўлади?

О.Р.

– Ўзбекистонга қайтмаслигингиз мумкин, сабаби фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномангиз хорижий давлат фуқаролигини қабул қилганингиз муносабати билан ўз кучини йўқотган (Низомнинг 30-банди).

Эслатиб ўтамиз, хорижий шахс ва фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномалари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси қуйидаги ҳолларда ўз кучини йўқотади:

- хорижий фуқаро доимий яшаш учун чет элга жўнаб кетганида;
- фуқаролиги бўлмаган шахс чет элга жўнаб кетганида – фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узрли сабабларсиз узайтирмаган ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтиришдан воз кечган ҳолларда;
- хорижий фуқаро Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилганида ёки ўз мамлакати фуқаролигидан чиққанида;
- фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат фуқаролигини қабул қилганида;
- яшаш гувоҳномасини ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олиш учун мутлақо ёлғон маълумотлар ёхуд сохта ҳужжатлар тақдим қилинганда.

Бировнинг вазифаси

Яшаш жойимдаги паспорт столидагилар 1-сон шакл нусхасини олиш учун мени Мирзо Улугбек ТИИБга жўнатдилар. ТИИБда 1-сон шаклни бермаётганларига бир ойдан ошди. Уни қанча вақт ичида беришлари кераклигини билмоқчи эдим. Уни олиш учун ўзимиз боришимиз шартми?

А.Саидмўминов. Тошкент ш.

— Берилган паспортларга 1-сон шаклдаги аризалар ички ишлар органларининг кириш ва чиқиш ҳамда фуқаролиқни расмийлаштириш хизмати бўлинмаларининг махсус картотекаларида фамилия, исми шарифларга қараб алфавит тартибда асос сифатида сақланади.



Сўровларни ижро этиш, нусха олиш ва бошқа зарур ҳолларда 1-сон шаклдаги аризаларни картотекалардан вақтинча олишга **рухсат этилади**. Уларни сўровлар бўйича бошқа хизматлар ва органлар ходимларига бериш ёки жўнатиш **ман этилади**.

Баён этилганидан келиб чиқилса, паспорт столи ходимлари 1-сон шакл нусхасини Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек ТИИБ паспорт столидан **15 кун** ичида ўзлари талаб қилиб олишлари шарт (Йўриқнома, АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган ИИВ буйруғига 1-илова).

Ўзбекистонда турмуш қурасиз

Санкт-Петербургда яшайман. 10 йил давомда Ўзбекистон фуқароси билан қонуний никоҳда бўлмаганман. Бўлиш муддатларини бузганлиги учун ҳозир унинг Россияга кириши тақиқланган. Биз муносабатларимизни унинг ватани — Ўзбекистонда қонунийлаштиришга қарор қилдик. Никоҳимиз қайд этилиши учун қандай ҳужжатларни тақдим этишимиз керак?

Мария Ш.

— ФХДЁ органларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг МДХ мамлакатлари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳини қайд этиш ҳамда чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳни қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Никоҳ никоҳ тузишни хоҳловчи шахслар бу тўғрида белгиланган намунадаги ариза билан мурожаат этган кундан кейин бир ой ўтгач улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан қайд этилади.

ФХДЁ органлари томонидан никоҳланувчи шахсларнинг аризасини қабул қилишда тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади.

Ариза никоҳланувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида тўлдирилади ва барча саволларга аниқ ва тўлиқ жавоблар берилиши керак. Эр ва хотиннинг паспортларига ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларига штамп қўйилади ва никоҳнинг тузилган вақти ва жойи, далолатнома ёзуви рақами, эр (хотин)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон фуқароси ва чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги **никоҳни қайд этиш** агар чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги

бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш визаси никоҳ тузиладиган кунда ҳақиқий бўлсагина амалга оширилади.

Бунда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг никоҳга кириш ҳақидаги аризасига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилиниши лозим. Чет эл фуқаросининг паспортига никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида ўзбек, рус ва инглиз тилларида белги қўйилади (Қоидалар, ВМнинг 14.11.2016 йилдаги 387-сон қарорига 1-илова).

Қандай фуқаролик берилади

Мен Ўзбекистон фуқаросиман. Айни пайтда контракт бўйича Францияда ишляпман (яна бир йилдан ортиқроқ вақт қолди). Россия фуқаросига уйлانганман. Яшаш гувоҳномасига эгамиз, яқинда фарзандли бўламиз. Бола қаер — Ўзбекистон ёки Россиянинг фуқаролигини олиши мумкин?

Х.Носиров.

— Ота-онанинги фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлганда бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Агар у республикамиз ҳудудидан ташқарида туғилган бўлсаю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда Ўзбекистонда доимий истиқомат жойига эга бўлса ҳам, бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).

Фуқароликка мансубликни Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг хориждаги муассасалари белгилайди. Рўйхатдан ўтган шахсларга ягона намунадаги Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспорти топширилади. 16 ёшга етмаган болаларнинг ҳужжатларига уларнинг фуқароликка мансублиги ёзиб қўйилади (Қонуннинг 42-моддаси).

Францияда боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олгандан сўнг уни консуллик орқали легаллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Элчихонасига мурожаат қилишингиз зарур. Ўша ерда Ўзбекистонда қабул қилинган намунадаги боланинг туғилганлиги тўғрисида гувоҳномани ҳам беришлари керак.

Агар ишингизни якунлаган Ўзбекистонга қайтиб киришга қарор қилсангиз, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжати бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати расмийлаштириш учун консуллик муассасамизга мурожаат қилишингиз керак бўлади. Бунда вояга етмаган шахслар номидан уларнинг ота-оналари, васийлари (ҳомийлари), муассасалар ва ташкилотлар вакиллари тегишли илтимосномалар билан мурожаат қиладилар.

Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати бериш учун белгиланган шаклдаги ариза;
- муассаса ёки ташкилот орқали чет элга чиқилган тақдирда ушбу муассаса ёки ташкилотнинг белгиланган намунадаги буюртманомаси;
- туғилганлиқ ҳақида гувоҳнома;
- 35 x 45 мм ўлчамли фотосурат;
- консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар тўланганлиги ҳақида квитанция (Низом, ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарорига 1-илова).



Манзилли маълумотнома асосида

Мен Ўзбекистон фуқаросиман, Алматига келганимдан буён (2011 йил) қонуний асосда яшайман. Доимий пропискага, яшаш гувоҳномасига эгаман. 2015 йил сентябрда Қозоғистон фуқаросига турмушга чиқиб, фамилиямни ўзгартирдим. Маълум бўлишича, паспорт, яшаш гувоҳномаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, дипломни алмаштириш керак экан. Паспортни алмаштиришга бориб, ҳужжатлар рўйхатини олдим. ЎзР ИИВда олинган чиқиш варақаси мавжудлиги тўғрисидаги бандни тушуна олмаяпман. Агар прописадан ўчирилган бўлсам, демак, чиқиш варақасини олганман, унинг асосида яшаш гувоҳномаси расмийлаштирилган. Яшаш гувоҳномасини расмийлаштираётганда мендан чиқиш варақасини олиб қўйганлар. Уни қандай қилиб тақдим этишим мумкин? Айтишларича, яшаш гувоҳномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб 3 йил ўтган бўлса, варақанинг амал қилиш муддати ўтар экан.

Солиха!

— Манзилли чиқиш варақаси амал қилиш муддати эга бўлмайди. Агар Қозоғистон Республикаси миграция хизмати ходимлари яшаш гувоҳномасини бериш чоғида уни олиб қўйган бўлсалар, уни қайтиб ополмасангиз керак.



Манзилли чиқиш варақасини тиклаш учун сиз ёнчи ишончли вакилингиз Ўзбекистон Республикасид, прописадан ўчирилган жойингиздаги паспорт столига манзилли чиқиш варақасини тиклаш ва дубликат беришни сўраб мурожаат қилишингиз зарур. Паспорт столи ходимлари прописадан ўчирилганлигингиз тўғрисидаги маълумотлар **6 йилгача** сақланиши керак бўлган манзил-маълумотлар бюроси ҳисоби бўйича текширгандан кейин ва манзилли маълумотнома асосида чиқиш варақаси дубликатини расмийлаштиришлари керак.

Санжар Хўжааҳмедов,
«Norma Online» эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техника-ни ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59 телефони орқали

(шаҳарлараро қўнғироқлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) сўраб солиш ва бўғизте-рия масалалари юзасидан саволларга экспертларимиздан жа-воб олишлари мумкин. Ҳафтадаги 5 кун давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушув вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

Автомобиль учун давлат рақами – алоҳида тўлов эвазига

Президентнинг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (11.07.2017 йилдаги ПҚ-3127-сон) қабул қилинди.

Энди йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситалари янги ташкил этилган «Uzavtoyo'lbelgi» ДУК (унинг таъсисчиси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳисобланади) томонидан ишлаб чиқарилади.

«Буюртма рақамлар» қимматроқ бўлади
Хужжатга мувофиқ:

■ 2017 йил 1 сентябрдан эътиборан автотранспорт воситалари учун харидоригар ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган давлат рўйхат рақамларини оширилган тўлов ставкалари бўйича, шу жумладан кимовиди савдосини ўтказиш йўли билан танлаш тартиби жорий этилади;

■ 2018 йил 1 январдан эътиборан автотранспорт воситасидан фойдаланиш ва (ёки) уни тасарруф этиш

ҳуқуқи учун ишончномаларни, автотранспорт воситасининг ижара, текин фойдаланиш, гаров, лизинг шартномаларини фуқаролар томонидан тегишли йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади. Нотариуслар томонидан уларнинг электрон шакли мустақил равишда жўнатилади.

МАЪЛУМОТ УЧУНИ 1.01.2018 йилдан йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг жисмоний шахсларга тегишли энгил автотранспорт воситаларини (юк, йўловчи ва махсус транспорт воситалари бундан мустасно) мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича функциялари юридик шахслар – тадбиркорлик субъектларига ўтказилади. Улар кўрсатилган хизматлар учун қатъий нархлар белгиланади.

Мотоциклдаги йўл-патруль хизмати йўлга қўйилади

Тошкент шаҳрида, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида тажриба тариқасида ЙПХ мотоциклдаги гуруҳлари тузилади. Уларга йўллар ва кўчаларнинг ҳаракатланиш қийин бўлган қатнов қисмларида, одамлар гавжум жойларда, шунингдек хорижий ва бошқа делегацияларни кузатишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар юклатилади.

Тажриба натижаларини таҳлил қилган ҳолда йўл-патруль хизматининг мазкур турини мамлакатнинг бошқа ҳудудларида жорий этиш бўйича таклифлар киритилади.

ЙПХ стационар постлари мақбуллаштирилади. Автомобиль ҳаракати устидан самарали назоратни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида постлар белгиланган

намунавий схема бўйича реконструкция ва модернизация қилинади, моддий-техник жиҳозланади.

ЙПХ махсус асбоб-ускуналари ва автомобиль техникасини узлуксиз янгилаб бориш учун ҳар йили 55 та белгиланган тартибда жиҳозланган автотранспорт воситалари, 600 та жезл, 500 та радиостанция ва бошқа воситалар харид қилинади.

2018–2019 ўқув йилидан бошлаб ИИБ Академиясида «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» мутахассислиги бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бошланади.

Барча таомиллар – электрон форматда

Пойтахтда компьютерлаштирилган тизимни кенгайтириш, шунингдек уни Нукус шаҳри ва вилоят марказларида жорий қилиш орқали ЙҲХБнинг ягона марказлаштирилган ахборот-компьютер тизимини яратилади.

ЙПХ автотранспорт воситалари аудио– ва видео қайд этиш қурилмалари билан жиҳозланади, уларнинг ходимлари мобил видеокамералар билан босқичма-босқич таъминланади.

МАЪЛУМОТ УЧУНИ 1.01.2018 йилдан электрон тизим жорий этилади, у қуйидагиларни соддалаштиради:

- йўл ҳаракати соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш;
- нотариал ҳаракатларни ҳисобга олиш;
- автотранспорт воситаларининг техник кўрикдан ўтишини назорат қилиш;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Автомобиль рақами белгисини қандай тиклаш мумкин

ЙТХдан тортиб жиноятчиларнинг қилмишларигача бўлган турли сабаблар автомобиль давлат рақами белгилари йўқотилиши ва шикастланишига олиб келиши мумкин. Ушбу материалда давлат рақамини қонуний равишда тиклаш ҳақида сўз юритилади.

ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи Холматжон Сайдалиев саволга жавобан давлат рақами белгиларини йўқотганлик, шикастланганлик (бузганлик) муносабати билан транспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикасида автототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш қоидалари (ВМнинг 26.05.1997 йилдаги 256-сон қарорига 1-қисми) билан тартибга солишини қайд этди.

Хусусий ёки корпоратив автомобиль рақами белгилари йўқотилган, ўғирланган, шикастланган ёки бузилганда қандай йўл тутиш лозим? Ҳаракатлар алгоритми қуйидагича бўлади:

- ДЙҲХХ ҳудудий органига белгиланган шаклда ариза ёзилади;
- белгиланган давлат божи тўланади;
- транспорт воситаси кўздан кечириш учун тақдим этилади.

Яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган давлат рақами белгилари таъмирланмайди, уларнинг ўрнига янгилари берилади. Бунда эгасининг аризасига асосан шикастланган ёки бузилган давлат рақамлари ўрнига дубликатлар берилиши мумкин. Улар ДЙҲХХ ҳудудий органларининг буюртманомаси асосида тайёрланади.



Дубликат олингангача бўлган даврга йиғим ундирилмасдан илгари фойдаланилган давлат рақами белгилари берилади (Қоидаларнинг 5-боби 7-банди).

Автомобиль давлат рақами белгиларини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимлар:

- йўқолгани (бузилгани) ўрнига давлат рақами белгисини берганлик учун – 4,5 ЭКИХ;
- автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисида гувоҳнома берганлик учун – ЭКИХнинг 20%и;
- уларни қайта рўйхатдан ўтказганлик учун – ЭКИХнинг 10%и;
- мажбурий техник кўрикдан ўтказганлик учун (агар ундан ўтишнинг навбатдаги мuddати келган бўлса) – ЭКИХнинг 10%и.

Саида Жонизоқова,
«Norma Online» мухбири.

АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

ЙПХ ходими радар билан хизматни ўтаётганда ҳайдовчининг талабига кўра радарнинг мувофиқлик сертификати ва хизматни ўташ жойини кўрсатиши шартми?

– ЙПХ инспектори транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини назорат қилувчи ускуналардан фойдаланган ҳолда хизматни ўтаётганда ҳайдовчининг талабига биноан ускунанинг мувофиқлик сертификати тақдим этиши шарт.

ЙПХ ходимларининг хизмати ИИБ ДЙҲХХ йўл-патруль хизмати тўғрисидаги низомига мувофиқ ташкил этилади. ЙПХ постлари жавобгарлик зонаси (участкаси) бириктирилган муайян йўналишдаги жойлашувнинг тасдиқланишига қараб қўйилади, у хизматда фойдаланиш учун белгиланган ҳужжат ҳисобланади ва сафдаги бўлинмада сақланади.

Агар низоли вазият, эътирозлар юзага келса ёки йўл ҳаракати қатнашчилари шуни талаб қилсалар, ходим кўрак белгиси рақамини айтиши, қўлидан чиқармаган ҳолда хизмат гувоҳномасини кўрсатиши ҳамда ҳуқуқларни ва ўз хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириши шарт. Йўл ҳаракати қатнашчилари махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ноқонуний қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.



Манба: www.mvd.uz.

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИК

Хайдовчилик гувоҳномаси шахсни тасдиқловчи ҳужжатга тенглаштирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 19.06.2017 йилдаги 389-сон қарори билан Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари маъқулланди.

ИИВ ҳузурида «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази» ДУК ташкил этилади. Корхона бошқа вазифалар билан бир қаторда жисмоний ва юридик шахсларга автоматотранспорт воситалари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ва миллий хайдовчилик гувоҳномаларининг янги намуналарини, ички ишлар органлари фаолияти соҳасидаги бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни олиш учун ҳужжатларни йиғиш ва тайёрлаш бўйича хизматларни ҳам кўрсатади.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТНОМА. Илгари Вазирлар Маҳкамасининг 2.03.2017 йилдаги 116-сон қарори билан миллий хайдовчилик гувоҳномалари ва автоматотранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг янги намуналарини жорий этиш назарда тутилган эди.

Миллий хайдовчилик гувоҳномаларига ва автоматотранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказил-

ганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларга электрон белги воситалари жорий этилиши муносабати билан махсус бланкаларда қоғоз шаклида куйидагиларни мажбурий расмийлаштириш ҳақидаги талаблар 2021 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинади:

- техник қуридан ўтказилганлиги тўғрисидаги талонни;
- автоматотранспорт воситасидан фойдаланиш ва (ёки) уни тасарруф этиш ҳуқуқи юзасидан ишончномаларни;
- транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш полисини.

Янги намунадаги миллий хайдовчилик гувоҳномасига эгасининг шахсини тасдиқловчи расмий давлат ҳужжати мақоми берилади.

Миллий хайдовчилик гувоҳномалари, шунингдек автоматотранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг шакллари ҳам янгиланди.

Хайдовчилик гувоҳномаси

Олд томони

HAЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ

1. FAMILIYASI
2. ISM
3. OTASHING ISM
4. TUVILGAN JOY VA SANASI
5. BERILGAN SANASI
6. YASHASH JOYI
7. SHAHSIY MIZO
8. TIFOLAR

9. SERIYA RAQAMI

Орқа томони

1. FAMILIYASI (Shaxsning familiyasi)
2. ISM (Shaxsning ismi)
3. OTASHING ISM (Shaxsning otasining ismi)
4. TUVILGAN JOY VA SANASI (Shaxsning tug'ilgan joyi va sanasi)
5. BERILGAN SANASI (Shaxsning berilgan sanasi)
6. YASHASH JOYI (Shaxsning yashash joyi)
7. SHAHSIY MIZO (Shaxsning shaxsiy mizo)
8. TIFOLAR (Shaxsning tifolari)
9. SERIYA RAQAMI (Shaxsning seriya raqami)

Янгиланган шаклда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) ва қурилмалар ўртасида маълумотларни бевосита алоқасиз амалга ошириш имконини берувчи махсус электрон белги (NFC Смарт-карт) бўлади. Бундан ташқари, инглиз тилидаги матнга тузатишлар киритилди.

Автоматотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

Олд томони

AUTOMOTOTRANSPORT VOSITASI RUYXATDAN OTKAZILGANLIGI TUG'RIKIDA GUVOHNOOMA

1. DAVLAT RAQAMI BELGISI
2. RUSUMI / MODEL
3. RANGI
4. EGASI
5. MANZILI
6. BERILGAN SANASI
7. YUK BOSHQARUVI BO'LIMI
8. JSH SHIR / STR

Орқа томони

1. DAVLAT RAQAMI BELGISI
2. RUSUMI / MODEL
3. RANGI
4. EGASI
5. MANZILI
6. BERILGAN SANASI
7. YUK BOSHQARUVI BO'LIMI
8. JSH SHIR / STR
9. ISHLAB CHIQARILGAN YILI
10. TURI
11. KUZOV / SHASSI RAQAMI
12. TOLA VAZNI (kg)
13. YUKSIZ VAZNI (kg)
14. DVGATEL RAQAMI
15. DVGATEL QUVVATI
16. YONILG'I TURI
17. OTIRADIGAN JOYLAR SONI
18. TX TURADIGAN JOYLAR SONI
19. ALCHIDA BELGILAR

Гувоҳноманинг янгиланган шаклига жисмоний шахс учун – шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), юридик шахс учун – солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва махсус электрон белги (NFC Смарт-карт) киритилган. Шунингдек ўриндиқлар сони хайдовчи билан бирга кўрсатилиши аниқлаштирилди ҳамда инглиз тилидаги матнга тузатишлар киритилди.

МАЪЛУМОТ УЧУН! Миллий хайдовчилик гувоҳномаларини гувоҳноманинг янги намуналарига алмаштириш 1.10.2017 йилдан бошланади ва 31.12.2020 йилга қадар давом этади. Алмаштириш учун зарур ҳужжатлар – паспорт, эски намунадаги хайдовчилик гувоҳномаси ҳамда унинг талони. Ҳужжатлар рўйхатида имтиҳон варақаси келтирилмаган.

Самир Латипов, «Norma Online» эксперти.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Болаларни қандай ташиш керак

Россияда янги йўл ҳаракати қоидалари амал қила бошлади.

Янги Қоидаларга мувофиқ, 7 ёшга тўлмаган болалар конструкциясида хавфсизлик камарлари ёхуд хавфсизлик камарлари ва болаларни ушлаб қолувчи Isofix тизими назарда тутилган енгил автомобилда ва юк автомобили кабинасида боланинг вазни ва бўйига мос келувчи болаларни ушлаб қолувчи тизимларни (мосламаларни) қўллаган ҳолда ташилиши керак.

Қоидаларнинг янги тахририда 7 ёшга тўлмаган болаларни машина салоида қолдириш тақиқланади. Яъни машина тўхтаб турганда болага катта одам ҳамроҳлик қилиши керак.

Кичкина болаларни олд ва орқа ўриндиқларда ташиш мумкин, бироқ бунинг учун автокресло ёки автобеланчадан фойдаланиш керак. 7–11 яшар болаларни конструкциясида хавфсизлик камарлари ёхуд хавфсизлик камарлари ва болаларни ушлаб қолувчи Isofix тизими назарда тутилган енгил автомобилда ва юк автомобили кабинасида, шунингдек боланинг вазни ва бўйига мос келувчи болаларни ушлаб қолувчи тизимларни (мосламаларни) ёки хавфсизлик камарларини қўллаган ҳолда ташиш мумкин. Енгил автомобилнинг олд ўриндиқига – фақат болаларни ушлаб қолувчи тизимларни (мосламаларни) қўллаб ташишга рухсат берилади.

Орқа ўриндиқларда болаларни ушлаб қолувчи мосламалардан фойдаланиш энди мажбурий эмас – болага оддий хавфсизлик камарини тақишнинг ўзи kifoya.

Олд ўриндиқда болалар креслосидан фойдаланиш мажбурий! Бу ушлаб қолувчи мослама ҳисобланмайдиган адаптер эмас, кресло ёки бустер бўлиши мумкин.

Ўсмирларни (12 ёшдан катта) оддий хавфсизлик камарини тақиқ, бунда болалар креслога ёки бустерлардан фойдаланмаган ҳолда исталган жойда ташиш мумкин.

Муҳим тушунтиришлар

■ Эндиликда болаларни ушлаб қолувчи тизимлар боланинг вазни ва бўйига мос келиши шартлиги қайд этилди. Яъни 12 ёшга тўлмаган дуркун болаларни (150 см дан баланд ва 36 кг дан оғир) олд ўриндиқда махсус креслоларсиз ташиш мумкин, сабаби бундай креслолар мавжуд эмас.

■ Бошқа жиҳати ҳам бор: агар ота-она кичкинтойни каттароқ болалар учун мўлжалланган автокреслода ташиш, инспектор хайдовчига жарима солишга ҳақли, сабаби болаларни ушлаб қолувчи тизимлар боланинг вазни ва бўйига мос келиши шарт.

■ Инспекторга боланинг неча ёшдалигини исботлаш учун тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома талаб этилади.

■ Хавфсизлик камарлари адаптерлари эндиликда қонунга зид деб эълон қилинди. 7 ёшдан катта болалар учун бустерларни қўллаш мумкин.

Интернет тармоғи материалларидан.

Иқтисодия-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧКнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсатиши – 186. Қоғоз ёними – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ, баҳоқс келишган нарҳда.
Буюрта 1058. Адади 1 095. Газета 2017 йил 24 июль соат 18.00 да топиштирилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
мурожаат қилиш мумкин.